Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 2 март
ЖУМА
№ 51 (4.845).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ШАЙЛАНГАНГА СОЗ МАВСУМ

Олтиариқ районидаги «Ленинизм» колхози деҳқонлари ўтган йили 921 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,6 центнердан, жами 2 минг 637 тонна пахта ҳосили кўтаришди. Хўжаликдаги 11 та пахтачилик бригадасининг барчаси мажбуриятини шараф билан адо этишди. Айниқса, хўжаликдаги 66 та ижарачи звено салмоқли натижаларга эришди.

Айни кунларда колхоз меҳнаткашлари янги ҳосил учун пухта замин яратишаяпти. Далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, техникани экиш мавсумига пухта ҳозирлаш каби долзарб юмушлар сифатли бажарилаётир. Қиш мобайнида 10 минг тонна маҳаллий ўғит жамғаришга қарор қилинган эди. Бу режа бажарилди. Агроном Анваржон Мирзаматов бошчилик қилаётган унумдорлик отряди ихтиёрида 10 та прицеп, 3 та юклагич бор. Ҳусанбой Отабоев, Анваржон Норматов, Ҳайдарали Аҳмаджонов каби техника жиловдорлари бошқаларга намуна.

Колхознинг марказий ремонт устахонасида ҳам иш қизғин.

— Кўкламги экишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан техниканинг қай даражада созланганлигига боғлиқ, — деди устахона мудири Ғанижон Каримов. — Ремонтчиларимизга зарур шароит яратилган. Телевизор, радио хизматда, газета ва журналларнинг янги сонлари вақтида келтирилади. Моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Экиш ва тупроққа ишлов бериш техникаси барвақт қўлдан чиқарилди. 15 та ҳайдов, 42 та чопиқ трактори, 12 та плуг, 13 та сеялка, 168 комплект борона ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси мавсумга тахт қилиб қўйилди.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

ПУДРАТ ШАРОФАТИ

Ильич номли колхознинг Собир Сайдолимов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси аъзолари ўтган йили 60 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, ҳамма кўрсаткичлар бўйича режаларни ошириб уддаладилар.

— Эл дастурхонини тўкин-сочин қилишга озмикўпми ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди коллектив саркори С. Сайдолимов. — Меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлашда пудрат, ижара усулларини қўллаганимиз самарасини кўрсатмоқда.

Ҳа, яқин-яқингача бригада колхоздаги қолоқ коллективлар сирасида тилга олинарди. Сабаби — етиштирилган маҳсулотлар сифати паст, план-топшириқларни бажариш ҳам кўпинча ўлда-жўлда бўларди.

Бригада аъзолари ўзларига тажрибали деҳқон С. Сайдолимовни бошлиқ этиб сайлаганларидан сўнг ишлар юришиб кетди. Меҳнатни янгича усуллар асосида ташкил этишга жиддий эътибор берилди. Иш тўласинча пудрат асосида олиб борилди. Ўғит ва уруғликдан тежабтергаб фойдаланилди.

Пудрат асосида меҳнат қилаётган Мирвоҳид Мирзавоҳидов оиласи аъзолари ўтган йили эл дастурхонига 110 тонна сабзавот тортиқ этдилар. Биргина эртаги карамнинг ўзидан 50 тоннадан зиёд ҳосил кўтарилди. А. Боймирзаев, Ф. Ҳошимов бошлиқ оилавий пудратчилар 80—90 тоннадан зиёд сабзавот етиштириб, социалистик мусобақа ғолиблари сафидан ўрин олдилар. Бригада аъзолари режадаги 781 тонна турфа неъматлар бунёд этишди. Ҳар бир оилавий звено аъзоларининг йил якунида 6—8 минг сўмдан даромад олганликлари ҳам пудратнинг ғоят афзал эканлигини тасдиқлайди.

Х. ПУЛАТХУЖАЕВ,
Тошкент райони.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Наманганадаги 3-пахта заводи ходимлари муваффақият омилларини мунтазам излаш билан машғул бўлишмоқда. Худди шу нарса корхонага дала ишлари бошланишидан анча аввал уруғлик чигитга ишлов беришни ниҳоясига етказиш имконини берди. Уруғлик чигитга ишлов беришни тезлаштириш учун технология жараёнини икки қисмга ажратишга қарор беришди, бу эса бир кеча-кундузда 17—18 тонна ўрнига 19—20 тонна кўп уруғликка ишлов бериш имкониятини яратди. Завод ишчилари корхонанинг ўзида уруғликни тукидан тозаладилар, Тўрақўрғон районидаги «Шаҳанд» тайёрлов пунктида эса уч сменали иш учун барча шарт-шароитлар яратилиб, у ерда уруғликлар дориланди.

Натижада хўжаликларга юборилган уруғлик биринчи навга қабул қилинди. Демак экишга уруғлик сарфи анча камаяди.

ДАЛАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ўлкамизга баҳор ташриф буюрди. У аввало ариқ бўйларига яшил сепини ёйди, дарахтларга ҳаёт бахш этди. Мана энди деҳқонни далага — завқли меҳнат қучоғига чорламоқда. Замин соҳиби эса аллақачон пайкалларда куйманиб юрибди: шўр юваяпти, ер текислаяпти, гўнг жамғармоқда, ҳатто картошка ва карам экаётир. Ҳозир унинг бош қашишга вақти йўқ. Оржоникидзе районидаги «Лимонарий» колхоз-комбинатида бўлган одам бунга тўла ишонч ҳосил қилади.

— Бу йил эл дастурхонига ҳар қачонгидан кўп ноз-неъмат етказиб беришга аҳд этганмиз, — дейди колхоз раиси Ёмиддин Фахриддинов. — Шу ниятда қишдаёқ плёнкали майдонга карам уруғи сепилганди. Айни кунларда сабзавоткорлар ниҳолларни очиқ далага кўчириб ўтқазишаяпти. Пайкаллар пудратчиларга бўлиб берилгани суръатга суръат қўшмоқда. Бугунга қадар 8 гектар майдонга кўчат экилди.

Ботир Муслимов бошлиқ оилавий звено аъзолари шартнома асосида 0,5 гектар ер олишган эди. Жами майдон маҳаллий ўғитга тўйинтирилди, юмшатилиб маромида текисланди, жўяклар тортилди. Ҳозир миришкорлар илиқ-иссиқ кунлардан унумли фойдаланиб, карам экишни тобора қизитишмоқда.

Комбинатда бундай оилалар талайгина. Ҳаммаси экиш-тикиш ташвишида. Ҳорманглар, сабзавоткорлар!

СУРАТЛАРДА: 1. Звено бошлиғи Ботир Муслимов (чапдан), бош агроном Восиқ Муродилов ва колхоз-комбинат раиси Ёмиддин Фахриддинов ниҳолларни кўздан кечиришаяпти. 2. Шаҳноза Муслимова ўғли Зокир билан карам кўчати экмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БОҒБОНЛАР ЕНГ ШИМАРИШДИ

Избоскан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози мева етиштириш бўйича районда етакчи хўжаликлардан. Жорий йилда совхоз боғбонлари 92 гектар майдондаги мевали дарахтларни парваришлаб, 850 тонна ҳўл мева, 4 гектар токзордан 44 тонна узум йиғиштириб олиш, 7 тонна қуруқ мева топширишни режалаштирганлар. Ёш ниҳоллар эса йил давомида меҳр билан парвариш қилинади.

Айни кунларда боғларда иш қизғин. 10 гектар ердаги ҳосилдорлиги пасайиб кетган боғ орасига 10 минг туп олма ва шунча шафтоли ниҳоллари экишга тараддуд кўрилмоқда. Қиш бўйи бу ерга 1.000 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит келтирилди.

Боғда ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинаётир. Ойнаванд далада етиштирилган бир миллион туп карам ва помидор ниҳоллари янги экилган мевали дарахт кўчатлари орасида парвариш қилинади. Мазкур юмушларни маромида бажаришда Пўлат Мелибоев, Набижон Ибаев, Шофиржон Юсупов каби соҳибкорлар ҳамда Ортиқвой Солиев, Жамолиддин Халилов сингари техника жиловдорлари бошқаларга намуна бўлишаётир.

Тез кунларда совхоз боғбонлари учун яна бир қулайлик яратилади: соатига 5 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги консерва заводи қуриб битказилади.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

ҲОСИЛ УРУҒДАН БОШЛАНАДИ

Республика пахта заводлари баҳорда экиш учун деҳқонларга 80 минг тоннадан зиёд чигит етказиб бердилар. Бу эса мўлжалдаги уруғликнинг учдан икки қисмини ташкил этади. Баҳор яқинлашган сари колхоз-совхозларга уруғ сотиш ҳам жадаллашади. Яқин йилларда қарийб 100 пахта тозалаш корхонаси хўжаликларга уруғлик чигит етказиб бериш машаққатидан халос бўлади. Етакчи лойиҳа институтларида 30 та янги кичик завод нусхаси тайёрланаяпти. Уруғчилик хўжаликлари хом ашёсини қайта ишлаш, республика қишлоқ хўжалигини сифатли уруғ билан таъминлаш вазифаси улар зиммасига юклатилади.

Уруғнинг сара бўлиши учун қайғуриш ўринли: ихтисослаштирилган кичик пахта заводларида навларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, тўқимачилар тола сифатига билдираётган эътирозлар ҳам камаяди. Аммо булар яқин орада амалга ошириладиган режалар. Ҳозир эса бўлғуси ҳосил тақдири мавжуд пахта заводлари коллективларининг ғайратига боғлиқ. Хом ашё қайта ишловчиларнинг юмушлари ҳақида «Узхлопкопром» бирлашмасининг тайёрлов бўлими агрономи Қобил СОАТОВ ҳикоя қилади.

— Пахта майдонлари қисқартирилиши ва ялпи ҳосилнинг камайтирилиши муносабати билан республикада уруғлик чигитга бўлган эҳтиёж пасайди. Жорий йилда 120 минг тонна — бултургидан 10 минг тонна кам уруғлик чигит тайёрланади. Бироқ ўтган йилда рўй берган табиий офат ҳамон ёдимизда. Тўсатдан бостириб келган совуқ қарийб миллион гектар майдондаги ниҳолларни нобуд қилган эди. Ўшанда қайта экиш учун запасдаги 100 минг тоннадан зиёд уруғни сарфлашга тўғри келди. Айтиш керакки, қайта ишловчилар бу масалани жуда тез ва пухта ҳал этдилар. Ҳолбуки, бундан ўн йил аввал табиий офат рўй берганида самолётлар билан Озарбайжондан уруғ келтирилган эди. Ҳар эҳтимолга қарши бу йил ҳам 100 минг тонна уруғлик чигит ғамлаб қўйилади.

Деҳқонларимиз истаган уруғлик чигит муҳайё. Сирдарёлик, наманганлик, тошкентлик деҳқонлар уруғни аниқ миқдорда экиш учун туксизлантирилган чигитни хуш кўрадилар. Улар учун Қамаши ва Алимкент, Акмал Икромов пахта заводларининг учта йирик цехи уруғ тайёрламоқда. Республика бўйича шундай чигитга бўлган эҳтиёж 22 минг тоннани ташкил этади. Қорақалпоғистонлик, хоразмлик, сурхондарёлик деҳқонлар эса тукли чигит экишни маъқул кўришади. Улар ёғингарчилик сероб бўлганда чигит туки уруғни яхши сақлайди деб ҳисоблайдилар. Аммо бундай уруғ униб чиққач, ниҳолларни яганалаш учун жуда кўп қўл меҳнати сарфлашни талаб қилади. Қўл меҳнатини енгиллаштириш мақсадида тукли чигитни ҳам аниқ миқдорда ташлаш учун сеялкаларни мослаштиришга қарор қилинди. Ильич пахта заводи ғўлакланган уруғ чиқара бошлади. Львовлик технологлар тавсиясига кўра уруғлик чигитга ўзига хос «тўн» кийдирилмоқда. Бунда тукли чигит лой ва торф аралашмаси билан қопланади. Бу эса унга тўкилувчанлик хусусиятини беради. Бундай чигитни аниқ миқдорда экиш мумкин. Бироқ бу технология оммалашмади.

Ҳақиқат юзасидан айтиш керакки, уруғлик чигит тайёрлаш борасида биз анчагина олға силжидик. Уруғлик навининг сифати яхшиланганлиги уни тозалаш машиналаридан қўлланиш имконини яратмоқда. Уларда ҳаво оқими ёрдамида сараги саракка, пучаги пучакка ажратилмоқда.

Суҳбатни В. РУДАКОВА ёзиб олди.

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

Элликқальа районидаги «Москва» совхозининг емхашак етиштириш билан шуғулланадиган ижарачи бригадаси механизаторлари Мақсуд Юсупов ва Қўчқор Аметов уч кун ичида шитоб билан 20 гектар майдонга беда уруғи сепишди.

— Қанча илгари ҳаракат қилсак, шунча кўп ҳосил оламиз, — дейди бригада бошлиғи Саъдулла Раҳмонов ишонч билан. — Бизнинг коллектив совхоз раҳбарияти билан эндиликда фақат ўзаро шартнома асосида иш олиб боради. Шартномага мувофиқ йил охирига қадар совхоз озуқа омборига 450 тонна беда пичани топшириш мажбуриятини оламиз. Бригадага ажратилган 150 гектар майдонда етиштирилган ҳосилнинг «ортиқчаси» коллективимиз аъзоларининг ўз мулкига айланади. Чунки ҳар бир ижарачининг молхонасида бугунги кунда икки-учта бузоқ, қўй-қўзилар бор. Аввал пахта етиштирилган далаларга бедани барвақт экиб, ҳосилдорликни гектар бошига камида 45 центнерга етказиш ниятидамиз.

Совхознинг бошқа меҳнаткашлари ҳам эндиликда ўз фаолиятларини янгичасига олиб борадилар. Хўжаликда уч юзга яқин оилавий коллективлар бор. Ана шу коллективлар умумий кенгашининг қарори билан амалда хўжаликнинг барча ерлари ижарага олинди.

ИШОНЧ БИЛАН БОШЛАНГАН ИШ

Денов ёғ-экстракция заводи март ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Шу ой охирига қадар пландан ташқари 450 тонна тозаланмаган ва 350 тонна тозаланган ёғ ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Маҳсулот етказиб бериш режалари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Корхона маҳсулотлари Украина, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларига, Россия федерациясининг кўп областларига юборилмоқда. Бироқ маҳсулотнинг катта қисми Сурхондарёнинг ўзида сотилади. Чунончи, кейинги уч йилда область хўжаликларига етказиб берилаётган кунжара билан чигит пўстлоқ 15 фоиз кўпайди, ўсимлик мойи эса бу ердаги дўконларга аввалгига нисбатан 6 фоиз кўп келтирилмоқда.

Заводда икки йил аввал жорий этилган хўжалик ҳисоби муваффақиятли ишларнинг ҳал қилувчи шарти бўлди. Ускуналардан фойдаланиш яхшиланди, технология интизоми мустаҳкамланди. Натижада ўтган йилда планга нисбатан 300 минг сўм кўп — 1,8 миллион сўм фойда олинди. Бу маблағнинг бир қисми ишлаб чиқаришни газлаштиришга сарфланади. Газдан мазут ўрнига фойдалана бошлайдилар. Бу эса анча маблағни тежаб қолишга, шунингдек корхона теварагидаги экология муҳитини яхшилашга ёрдам беради.

ХОНАДОНЛАРНИНГ ПОЛИЗЛАРИДАН

55 мингга яқин шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари ўзлари етиштирган маҳсулотни Сурхондарё матлубот кооперациясига сотадилар. Кооператорлар бу йил тузилган шартномаларга мувофиқ қарийб 75 минг тонна сабзавот, картошка, мева, полиз маҳсулотларининг анча қисмини оладилар.

Область матлубот уюшмаси тайёрлов ташкилотларининг ходимлари қишлоқлардаги ҳовлиларни айланиб чиқдилар, томорқа эгалари билан суҳбатлашдилар, уларга қабул қилиб олинган маҳсулотларга ҳақ тўлаш тартибини тушунтирдилар. Шундан кейин шартномалар тузилди.

Аҳолидан сотиб олинган маҳсулот область савдо ташкилотларига, шунингдек мамлакатимизнинг бошқа регионларига юборилади. Ҳозирдаёқ кўп истеъмолчилар билан шартномалар тузилди. Чунончи, апрель ойи ўрталарида Москва, Ленинград, Сибирь ва Узоқ Шарқ шаҳарларига эртанги карам ортиб жўнатиш режалаштирилмоқда. Эртанги карам кўчати ҳозирнинг ўзидаёқ асосан экиб бўлинди.

(ЎзТАГ).

М. С. Горбачев Ж. Буш билан телефон орқали гаплашди

Жорж Буш билан М. С. Горбачев мунтазам фикрлашув доирасида 28 февраль куни телефон орқали суҳбатлашдилар. Айрим долзарб халқаро масалалар, жумладан Никарагуада яқинда бўлиб ўтган сайлов якунлари муносабати билан вужудга келган аҳвол, Европа хавфсизлиги муаммолари, шунингдек унинг Германияга оид жиҳати муҳокама қилинди. Олий даражадаги Совет-Америка учрашувига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам тилга олинди.

(ТАСС).

90-ЙИЛ КЎКЛАМИ ЕР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНГА ЕТИШДИ

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

«Кўклам эшик қоқмоқда, вақт тиғиз, Ер ҳақидаги қонунни тезроқ турмушга жорий этиш керак». Икки ҳафта муқаддам Олий Совет учинчи сессияси очилишида депутатлардан бири айтган бу гаплар барча халқ депутатларига фаолроқ иш кўриб, қайта қуришнинг асосий ҳуқуқий ҳужжатларини яратишни кечиктирмасликка даъват бўлиб янгради.

28 февраль қиш фаслининг календардаги охирги кунида депутатлар навбатдаги ялпи мажлисга қонуншуносликнинг мураккаб жараёнида «Кўклам бурилиши» ясашни қатъий ният қилиб тўпландилар. Кун тартибига «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги қонун асослари»ни қабул қилиш масаласи киритилган.

Қонун лойиҳаси ҳозиргача икки марта парламентда муҳокама қилиниб, ярим йилдан зиёд вақтдан буён комитетлар ва комиссияларнинг иш столларида турганини эслатиб ўтмоқчимиз. Тўлиқ ишлаб чиқилган қонунни тақдим этар экан, депутат А. А. Никонов ҳужжат етарлича мутаносиблаштирилган юридик конструкциядан иборат шубҳасиз, кўп маротаба қайд этилган консенсус натижаси эканлигини таъкидлади.

Мулкчилик, ерга эгалик, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тўғрисидаги масалалар дастлабки ўқилишида ҳам, муҳокамасида ҳам мутахассислар ўртасида энг кўп келишмовчиларга сабаб бўлди. Лойиҳада «Ер мазкур территорияда яшаётган халқ мулкидир», деб таъкидланиб, у ерни тасарруф этишнинг барча ваколатларини илгари бўлганидек идоралар ихтиёрига эмас, халқ депутатлари маҳаллий Советларига топширади.

Қайта ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси жаҳонда қабул қилинган барча экология нормаларига жуда мос келади. Тупроқни муҳофаза қилишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилган. Ерларнинг яхши сақланганлиги ва соғлом экология муҳити учун дотациялар, шунингдек солиқ ва кредит имтиёзлари кўзда тутилган. Совет қонунчилигида илк маротаба экинзорлар таназзулини тўхтатиш тушунчаси жорий этилди.

А. А. Никоновнинг ахбороти депутатларни мамнун этди. Уларнинг кўплари шундан аввалги икки кундаги қизғин вазиятдан ҳали нафасларини ростлаб олганлари йўқ эди. Чамаси, иш графигининг тиғизлиги (бешта қонун лойиҳаси дастлабки тарзда муҳокама қилинганлиги) ҳам, бир қанча қонун ҳужжатлари ижтимоий жиҳатдан алоҳида мазмун билан тўлиқлиги ҳам бунга ўз таъсирини ўтказган эди. «Фавқулодда» ва «навбатдан ташқари» сўзлар минбарда кўп марта янграганлиги бежиз эмас эди. Ҳар сафар бу сўзлар шу дамларда залда зудлик билан ҳал этилиши керак бўлган муаммолар муҳокама қилинаётганлигини эслатар эди.

Бугун, Олий Совет қонун лойиҳаларини муҳокама қилишнинг навбатдаги, «режалаштирилган» саҳифасини очганида унинг аъзолари вазиятни кескинлаштирмай, қандай қилиб бўлмасин бир фикрга келишга, парламент қоидаси бўлмиш кўпчилик фикрига сўзсиз бўйсунишга интилаётганликлари яққол намоён бўлди. Депутат В. И. Белов кўклам бошланишига... бир неча соат қолди, деган гапни айтиб, бу интилишни равшан ифодалаб берди, бу гап қонундаги таърифларнинг икир-чикирлари деҳқон учун унчалик муҳим эмас, чунки у эрта-индин далага чиқиши керак деган маънони билдирар эди.

Бир қанча депутатлар қонуннинг моддалари хусусида аниқ-равшан мулоҳазаларни айтишди. Раислик қилувчи А. И. Лукьянов бу мулоҳазаларнинг кўпини жуда ўринли деб баҳолади ва Олий Совет қонун асосларининг тақдирини ҳал этиши лозим, бу асослар ҳар бир алоҳида иттифоқдош республиканинг Ер тўғрисидаги қонунларида тўлдирилиши ва ривожлантирилиши мумкин, деб уқтириб ўтди.

Мамлакатдаги ер ислоҳотининг пойдевори бўлиб қолиши лозим бўлган қонун лойиҳасининг ҳамма ўн икки бўлими кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Қонунни умуман 15 мартдан кучга киритиш тўғрисида Олий Советнинг қарори ҳам қабул этилди.

1 март куни сессиянинг ёпиқ ялпи мажлиси ўтказилади, унда Кавказортидаги аҳволни муҳокама қилиш давом эттирилади. Сўнгра ҳафтанинг охиригача депутатлар комитет ва комиссияларда ишлайдилар, уларда халқ депутатларининг учинчи сессиясида ва навбатдан ташқари съездида кўриб чиқиладиган ҳужжатларни тайёрлаш давом этади. Маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказилиши муносабати билан кўпгина депутатлар ўз сайлов округларига жўнаб кетадилар.

Бахмал райони хўжаликларида

ЗАФАР САТРЛАРИ

Бахмал районидаги «Партия XXIV съезди» совхози чорвадорлари 1990 йилнинг дастлабки кунлариданоқ самарали меҳнат қилиб, ҳамма соҳада давлат буюртмасини бажаришга аҳд қилдилар. Совхоз чорвадорлари давлатга 65 тонна семиз гўшт етказиб бериб, биринчи квартал планини ошириб уддаладилар. Хўжалик бўрдоқибоқарлари апрель ойи ҳисобига гўшт топшираяптилар.

* * *

Мичурин номли ширкатчилар бирлашмаси коллективи мамлакатимизда иқтисодий ва маҳсулот етишмовчилиги юз бераётган айни кунларда сўқимга қўйилган молларни гўштга топшираяптилар. Шу кунгача мичуринлик азаматлар давлатга 32 тонна ўрнига 40 тонна юқори навли гўшт етказиб бердилар ва квартал планини 125 фоизга уддаладилар.

* * *

«Ойқор» совхози чорвадорлари давлатга 34 тонна ўрнига 35 тонна гўшт етказиб бериб, районда учинчи бўлиб квартал планини бажардилар. Давлатга топширилган ҳар бош мол 350—370 килограмм оғирликда бўлди.

* * *

«Гулбулоқ» совхози чорвадорлари давлатга 43,5 тонна гўшт топшириб, 2,5 ойлик планни уддаладилар.

Бахмал райони чорвадорлари давлатга 866 тонна гўшт топширишди. Хўжаликларда гўшт тайёрлаш давом этмоқда.

А. ЭРГАШЕВ.

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

ҚАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «ҚОРАСУВ» НАСЛДОР ПАРРАНДАЧИЛИК БИРЛАШМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ ИСЛОМ ХУДОЙҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ислом Истамович, аввало юксак ишончга сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Бу галги сайловлар том маънода янгичасига ўтди. Айниқса бир неча номзод қўйилган округлар сайловчиларининг ҳам, сайланувчиларининг ҳам ҳаяжони ўзгача бўлди.

— Жуда тўғри. Мен ҳамон ҳаяжондаман. Сабаби ўзингизга маълум. Тўрт номзод орасида овоз олиш осон эмас. Бу муваффақиятни номзодимни кўрсатган меҳнат коллективимнинг ютуғи деб биламан. Чунки кейинги уч йилда бирлашмамиз тармоқ корхоналари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Агар янги раҳбар бўлиб келган 1985 йилда 368 минг сўм зиён кўрилган бўлса, якунланган йилда 3 миллион 546 минг сўм даромад қилдик. Қисқа муддат ичида одамлар турмуш тарзи кескин ўзгарди. Бир қатор ижтимоий муаммолар ҳал этилди: янги мактаб, болалар боғчаси, турар жой қурилиши ва бу ишларнинг ҳозир ҳам давом этаётганлиги одамлар ишончини оширди. Борди-ю мен ишлаётган корхона бундай натижаларга эришмаганида овоз олишим жуда қийин кечган бўларди.

— Ислом Истамович, халқимиз Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини катта қизиқиш билан кутмоқда. Ушбу анжуманга қандай ҳозирлик кўраяпсиз?

— Бу кунни нафақат сайловчилар, биз — депутатлар ҳам ҳаяжон билан кутаяпмиз. СССР халқ депутатлари съездлари, сессиялари қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Уларда қабул қилинган қарорлар, қонунлар мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилишига ишончим комил. Лекин мен кўпроқ парламентимиз иш услуби ўзгарганлигидан мамнунман. Ниҳоят, халқимиз сайлаб қўйган вакиллар ҳаётий муҳим масалалар ечимини топишда фаол иштирок эта бошладилар. Йиллар давомида йиғилиб қолган дардларимиз вулқондай отилиб чиқаяпти. Муҳими — баҳс ва мунозараларда ана шу дардларимизни даволашнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқилаяпти.

Ўйлайманки, бизнинг дастлабки йиғилишимиз ҳам мунозараларга бой бўлади. Сессия кун тартибига ташкилий масалалардан ташқари республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказишнинг асосий йўналишлари, меҳнаткашларнинг Ўзбекистон ССР гражданлари ҳарбий хизматни ўташ тартибини ўзгартириш масалаларига доир таклифларининг муҳокамага қўйилиши унинг ниҳоятда қизғин ўтишидан далолат бериб турибди.

Қайта қуриш ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораяпти. Бор-йўғи икки-уч йил муқаддам республикаларга иқтисодий мустақиллик бериш ҳақидаги масалани олий анжуман кун тартибига қўйиш у ёқда турсин, ҳатто шундай таклиф билдиришнинг ўзи мамлакатга хиёнатдай қабул қилинарди. Энди эса бу масалада анча кечикиб қолганимизни очиқ-ойдин тан олаяпмиз.

— Кейинги пайтларда ҳарбий хизматни ўташга оид турли таклифлар, мулоҳазалар билдирилаяпти. Сайловолди учрашувларида ҳам бу ҳақда кўп гап бўлди. Шу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

— Тўғрисини айтганда, бу борада ҳам жаҳондаги кўплаб мамлакатлардан орқада қолиб кетдик. Бугунги кунда ҳарбий харажатлар учун улкан маблағ сарфланаяпти. Қайта қуриш туфайли армияни бирмунча қисқартиришга эришилди. Аммо бу жуда оз. Фан ва техника, жумладан, ҳарбий техника ниҳоятда ривожланган бир даврда кўп сонли аскар шарт эмас. Инсоният вақт ўтиши билан янгича фикрлай бошлади. Эндиликда «совуқ уруш» деган иборалар йўқолди. Ҳар қандай муаммони ҳам қурол орқали эмас, ақл-идрок, тафаккур кучи билан бартараф этиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шундай экан, сира иккиланмай ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланмоқ зарур. Оз сонли, лекин профессионал ҳарбийлардан иборат қўшин мамлакат тинчлигини ҳозиргидан яхшироқ қўриқлай олади, деб ўйлайман. Энди юртдошларимизнинг Ўрта Осиёда хизмат қилишлари масаласига келсак, мен бунга тўлиқ қўшиламан. Ўзга қисмларда, айтайлик, денгизчи сифатида ёки бошқа қўшинларда бўлишни хоҳлаган ёшлар ихтиёрий равишда ариза бериб, бурчни хоҳлаган жойда ўташлари мумкин. Яна бир масала: қурилиш батальонларини бутунлай йўқотиш керак. Бу иш билан бевосита қурувчиларнинг ўзлари шуғулланишсин. Балки ҳарбийлашган қўшилмалар тузиш керакдир. Ҳар ҳолда у қанчалик улуғ ғоялар, мақсадлар учун бўлмасин, одамни икки йил мобайнида текин ишлатиш ҳуқуқий давлат тузиш йўлида изланаётган жамиятимиз ривожига хизмат қилмайди.

— Сайловолди учрашувларида аҳолидан кўплаб наказлар тушганлиги табиий. Уларни ижро этиш осон эмас, албатта...

— Сайлов арафасида округдаги деярли барча меҳнат коллективлари, истиқомат жойларида бўлишга ҳаракат қилдим. Кўплаб одамлар билан учрашиб, улар қалбига қулоқ тутдим. Ишонасизми, деярли тўрт йил шу ерда яшаб ва ишлаб, атроф қишлоқлардаги аҳвол бу даражада мушкул эканлигини сира тасаввур этмагандим. Бошқа ерларни қўя турайлик, фақат Фрунзе қишлоқ Советининг ўзидаги муаммолар бир дунё. Одамлар учун энг зарур бўлган касалхонанинг йўқлиги, кўплаб қишлоқлар ичимлик сув, табиий газ билан таъминланмаганлиги ачинарли. Баъзи мактаблар аллақачон яроқсиз ҳолатга келиб қолганига қарамай ҳали янгисини қуришга ҳеч ким киришгани йўқ.

Баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли озгина кўмак билан битиб кетадиган ишлар ҳам чала ётибди. Масалан, САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси аграр-саноат хўжалигидаги болалар боғчаси ремонти бир йилдан бери чўзилиб келаяпти. Натижада икки группа тарбияланувчилари бир жойда овқатланиб, бир хонада ухлашмоқда. Ахир, бу санитария қоидаларига бутунлай тўғри келмайди-ку! Болалар келажагимиз, деб лоф ургандан кўра ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта болакайлар ҳолидан хабар олган маъқул эмасми?!

— Ўтган ойда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети пленумида, ҳозир давом этаётган СССР халқ депутатлари сессиясида мамлакатда президентлик лавозими ҳақида гап борди. Шу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

— Ижобий. Улкан мамлакатимиз учун барча ваколатларга эга бўлган президент бошқарувининг йўлга қўйилиши шарт деб ҳисоблайман. КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида алоҳида таъкидланганидек: «Жамиятда СССР халқ депутатлари съезди олдида масъул бўлган ҳамда зарур ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат бошлиғи — президент лавозимини таъсис этиш масаласи борган сари қатъият билан қўйилмоқда. Буни мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қайта қуришга янада жўшқинлик бахш этиш ва унинг орқага қайтмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш, қонунийликни ва гражданларнинг хавфсизлигини, демократиялаш жараёнида барча давлат ва жамоат муассасаларининг нормал ва самарали ишлашини таъминлаш, СССР манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз номидан вакиллик қилиш эҳтиёжлари талаб қилмоқда».

Яширишнинг ҳожати йўқ: мамлакатимизда аҳвол жуда мураккаб. Айни шундай пайтда демократик йўл билан сайланган кучли президентлик ҳокимияти сув билан ҳаводек зарур.

— Ислом Истамович, агар бўлажак сессияда сўз беришса, нималар ҳақида гапирган бўлардингиз?

— Умуман олганда, мени кўпдан қийнаб юрган муаммолар талайгина. Аммо кейинги 4—5 йил ичида турли минбарлардан шу қадар кўп муҳим гаплар айтилдики, агар шуларнинг бир қисми амалга ошганда ҳам турмушимиз анча фаровон бўлиб қоларди.

Бу билан кўпроқ сукут сақлаган маъқул, демоқчи эмасман. Аммо олий минбарга сўз сўрашдан олдин халқ бизни нега сайлаганини, улар олдидаги бурчимизни унутмаслигимиз, беҳуда аюҳаннос солмаслигимиз керак. Мен депутат этиб сайланган кунимдан бери бу ҳақда жиддий ўйлаб юрибман. Шундай қонунлар қабул қилишимиз лозимки, у нафақат бизга, балки келажак авлодларимизга ҳам наф етказсин. Токи улар ҳам биз сингари боши берк кўчага кириб қолмасинлар.

— Республикамиз олий ҳокимияти органи аъзоси сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақият тилаймиз.

— Раҳмат.

Суҳбатдош:
Т. АБДУРАҲМОНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Чортоқ районидаги Ҳурмат орденли «Октябрь» колхози деҳқонлари жорий йилда 890 гектар майдонга чигит қадашади, 400 гектар ерда эса озуқа экинлари етиштирадилар. Улар пахтадан ҳам, озуқа экинларидан ҳам мўл ҳосил олишни дилларига тугиб қўйишган.

Хўжаликда қишлоқ хўжалиги машиналарини пухта, сифатли созлашга алоҳида эътибор берилаётир. Шу кунга қадар барча экиш техникаси мавсумга тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: колхоз партия ташкилотининг котиби Ҳабибулло Азимов (чапда) ўзаро беллашув ғолиби созловчи Алишер Тошпўлатовга кўчма вимпел топшираётир.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КОМПЬЮТЕР— ҚИШЛОҚҚА

Дўстлик районининг аграрчи мутахассислари информатика, ҳисоблаш техникаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини компьютерлаштириш асослари курсида ўқиб чиқдилар. Ўқиш район партия комитети ва район агросаноат бирлашмасининг ташаббуси билан агросаноат комплекси бошқаруви республика олий мактабида ташкил қилинган эди.

Тингловчилар икки ой мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши план-иқтисодий масалаларини ҳал этишда зарур бўлган замонавий ахборот технологияси, алгоритм тиллари, маълумотлар базасини шахсий компьютерлар билан бошқариш системалари соҳасидаги назарий билимларни жадал режимда эгалладилар.

Амалий машғулотлар республика олий мактабининг Тошкент областидаги база хўжаликлари бўлмиш колхоз ва совхозларда ўтказилди.

Ҳозир «информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси ўз база хўжаликларида ходимларини ўқитиш билан бир вақтда ҳисоблаш техникаси воситаларини жорий этиш жараёнини уюштирмоқда. Кафедра мутахассислари ҳисоблаш техникасини сотиб олиш, шахсий компьютерларни программа билан таъминлаш ва амалий программалар мажмуини ишлаб чиқишга ҳам ёрдам бермоқда.

(ЎзТАГ).

ИЖАРА ЙЎЛИДАН

Ер эгасини топди

Балиқчи районида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бутунлай ижарачилар ихтиёрига берилди. Ҳозир районда 9750 нафардан кўпроқ ижарачи бор.

— Ер ижарага берилгандагина у ўзининг ҳақиқий эгасини топади, — дейди ишонч билан ишчилар, деҳқонлар ва инженер-техник ходимлар вакиллари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиси, Горький номли совхоз ижарачи коллективининг раҳбари Маҳмудали Қирғизов. — Юртдошларимизни бир мавсумнинг ўзидаёқ деҳқончиликда ижара қандай афзалликка эга эканлигига ишонтира олдик. Ўтган йили совхоз бизга 171 гектар ёмонроқ ерни ажратиб берган эди. Бу ерни 14 нафар ижарачига бўлиб бердик. Ўтган мавсумда коллектив пудрат усулида ишлаганимизда йўл қўйган хатоларимизни биргаликда таҳлил қилдик. Ҳар бир киши тўла мустақилликка эга бўлади, аввалгидек ҳеч қандай тенгликка йўл қўйилмайди, деган қарорга келдик.

Деҳқонларга тўла мустақиллик берилди. Уларнинг ҳар бири тажрибасига суянган ҳолда ишлайдиган вақтларини, ўсимликларни парваришлаш йўлларини, ҳосилни йиғиб олиш усулларини белгилади. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Пахта экиладиган ҳар гектар ернинг унумдорлиги планга кўра 3 центнер кўпайиши керак эди. Лекин гектар бошига пахтадан қарийб 5 центнердан қўшимча ҳосил олинди. Баъзиларда ҳосилдорлик 40 центнердан ҳам ошиб кетди. Шундай қилиб, коллектив йил охирида қарийб 130 минг сўм соф фойда олди.

Ижара усулига қарши бўлган кишиларнинг рўкач қилаётган энг катта баҳоналаридан бирини бу ерда рад этишди. Ижара мухолифлари ижарачи оила аъзолари билан коллективдан ажраб қолади, деган фикрни айтишади. Бу коллективда эса ҳамма учун битта дала шийпони қуриб, уни жиҳозлаб олишди. Боғ, узумзор барпо этишди, сабзавот етиштира бошлашди. Қовун ва тарвуздан яхши ҳосил олинди. Ортиқчасини сотдилар ва барча деҳқонлар учун бепул иссиқ тушлик овқат ташкил этдилар.

Ижарачиларнинг паррандачилик фермаси ҳам бор. Ўтган йили 6 минггга яқин жўжани боқдилар ва 7,5 минг сўм фойда олдилар. Сув ҳавзалари ва ариқ бўйларида етиштирилган қовоқлар бозорда харидоргир бўлди. Ишлаб топилган пулга янги мавсумда зарур асбоб-ускуналар сотиб олишади.

Балиқчи районида бундай коллективлар анчагина. Чунончи, ўтган йили бу ерда 15375 гектар ерга пахта экилганди. Ана шунинг 10720 гектарида райондаги ўн учта колхоз ва битта совхоз ижарачилари ишладилар. Улар бундай ишнинг афзаллигини тўла исботладилар. Январь ойида қолган ерлар ижарага тарқатилганлиги фикримизни исботлайди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ОЁҚ ОСТИДА НИМА БОР?

Машҳур чех ёзувчиси Карел Чапек: «Инсонлар доимо осмонга қараб, осмонимиз мусаффо ва соф бўлсин дейдилар-у, ҳеч вақт ўз оёқлари остида нима борлигини ўйламайдилар, ҳеч қачон она-еримиз, ҳосилдор тупроғимиз омон бўлсин деб баралла айтмайдилар», — деган эди. Дарҳақиқат, биз тупроқ тўғрисида, унинг борлиқдаги энг бебаҳо мезон эканлиги хусусида жуда кам фикр юритамиз. Ваҳоланки, буюк рус олими В. В. Докучаев ўтган асрдаёқ ҳосилдор ерларимиз, она тупроғимиз олтиндан, нефтдан, кўмир ва бошқа қазилма бойликлардан ҳам қимматлироқлигини таъкидлаб ўтган эди. Аслида кишилик жамияти олтинсиз яшаши мумкин. Ҳосилдор тупроқларимиз-чи? У инсоният учун, тирик мавжудот учун бирдан-бир яшаш манбаи ва ягона имкондир. Тупроқ ва унинг унумдорлиги оқибатида етиштирилган маҳсулот нафақат инсонни, балки бутун ҳайвонот дунёси ва паррандаларни боқади.

Юқорида санаб ўтилган табиат бойликлари кишилик жамияти учун зарур, албатта. Лекин уларнинг барчаси тупроқ ва унинг маҳсули — хом ашё ўрнини боса олмайди. Хўш, кишилик жамиятини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак хом ашёси билан таъминлайдиган тупроғимизнинг аҳволи қай ҳолатда? Ундан фойдаланиш, сақлаш, ҳосилдорлигини ошириш йўлида биз, истеъмолчилар қандай ишларни амалга ошираяпмиз?

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ҳар бир кишини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, нон, сабзавот ва мева) билан таъминлаш учун 0,5 гектар ер керак. Яна уни кийинтириш, ҳозирги кун талаблари даражасида керакли буюмлар билан баҳраманд этишга шунча майдон лозим. Ана шундагина унинг жамиятнинг ҳамма эҳсонларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Ҳозир СССР бўйича жон бошига 0,80 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келади. Бу кўпми ёки оз? Албатта, кам. Энг ташвишлиси шуки, бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб кетаяпти. Бунга сабаб фақат мамлакатимиз аҳолисининг кўпайиб бориши эмас, балки кўплаб гектар ҳосилдор замин ҳисобига шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналари, йўллар қурилиши, тупроқ эрозияси ва шўрланиши натижасида ернинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишидир.

Мамлакатимизда ҳар йили шаҳарларни кенгайтириш, газ-нефть қувурларини ўтказиш, йўллар қурилиши, дам олиш зоналари барпо этишга 50—60 минг гектар ер ажратилмоқда. Суғориладиган ноҳияларда эса фақат ирригация (суғориш) эрозияси натижасида минглаб гектар майдоннинг ҳосилдорлиги пасайиб кетаяпти. Катта-катта пайкаллар жарликка айланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишда яроқсиз ҳолга келмоқда. Республикамизнинг ўзида сув ҳамда шамол эрозияси оқибатида йилига 250—300 минг тонна пахта йўқотилмоқда. Чунки бундай талафотлар туфайли далаларга солинаётган минерал ўғитларнинг 30—40 фоизи сув билан оқиб, шамол таъсирида учиб кетади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ирригацион эрозиядан келаётган зарар жуда каттадир. Турғунлик йилларида пахта майдонларини кенгайтириш нафақат чўл районлари, балки Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областларида паст-баланд адирларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам амалга оширилди. Бу ўз навбатида, шунингдек қия ерларни суғориш мобайнида ирригация эрозиясининг янада кенгроқ ҳудудда тарқалишига олиб келди.

Ирригацион эрозиядан кўриладиган зарарнинг ҳажмини яхшироқ тасаввур этиш учун қуйидаги мисолга назар ташлаш мақсадга мувофиқ: республикамизда суғориладиган майдоннинг қарийб 600—700 минг гектарини ҳар хил паст-баланд, нишоблиги бир даражадан ортиқ ерлар ташкил этади. Бундай пайкаллар эҳтиётсизлик билан суғорилганда гектар ҳисобига 100—150 тонна чириндига бой тупроқнинг устки унумдор қисми ювилиб, оқиб кетади. Бу — ҳар гектар картада 500—800 килограмм гумус, 100 килограмм соф азот, шунча килограммдан зиёд фосфор йўқотилди дегани. Энди унинг инсониятга қанчалик зарар етказаётганлигини қиёслаб кўрайлик. Маълумки, ҳар хўжаликда ўртача 2000 гектар ерда деҳқончилик қилинади. Шу майдоннинг 400 гектари ҳар хил паст-баланд, қия ерларга тўғри келади. Агар у эҳтиётсизлик билан суғорилган тақдирда бир мавсумда 40 минг тонна устки ҳайдалма унумдор тупроқ ювилиб кетади.

МУАММО КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛАДИ

Етказилган зарарни қоплаш учун хўжалик ҳар йили 400 гектар майдонга гектар ҳисобида 20—25 тоннадан гўнг солиши керак. Хўш, шунча миқдордаги нури колхозда борми? Агар бўлса, уни тўплаш, далага олиб чиқиш учун транспорт етарлими? Бу юмушларни бажаришга қанча маблағ сарфланади?

Ана шу муаммолар ҳал этилди, дейлик. Лекин барибир тупроқ унумдорлиги асли ҳолига келмайди. Суғорма деҳқончилик ерларида оқова ва ташландиқ сувларни эҳтиёт чораларисиз тўғридан-тўғри сойлик ҳамда жарликларга ташлаб юбориш оқибатида экин майдони ҳисобига жарликлар кескин кенгайиб кетади. Яна шуни таъкидлаш керакки, жарланиш натижасида ҳосилдор майдонлар, катта массивлар майда бўлакларга бўлиниб, экинга ишлов бериш қийинлашади, техника воситаларининг иш унуми пасаяди. Агар бир гектар суғориладиган пайкал маҳсулот етиштириш жиҳатидан 10—12 гектар лалми ерга баробар келиши ҳисобга олинса, экин майдони ҳисобига жарликларнинг кенгайишидан кишилик жамиятига етказиладиган зарар янада яққол намоён бўлади.

Бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Биринчи навбатда катта қияликларни ўзлаштиришга чек қўйиш, бундай ерда асосан боғдорчиликни ривожлантириш, озуқабоп экинлар экиш тавсия этилади. Қатор ораларига субталаб пахта, маккажўхори, лавлаги ва бошқа экинлар экишни тақиқлаш лозим. Жар ерларга ҳар йили гектар ҳисобига 30—40 тоннадан гўнг солиш, шу тариқа қайтадан қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш мақсадга мувофиқ.

Бутун дунёдаги ҳайдаладиган ернинг деярли тўртдан бир қисми (225—227 миллион гектар) бизнинг мамлакатимизда бўлса-да, нима учун СССРда озиқ-овқат муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаган, деган савол барчани қизиқтиради. Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш бўйича Совет Иттифоқи жаҳонда охирги ўринларда туради. Йилига 200 миллион тонна, баъзи йилларда ундан ҳам кўп дон етиштираётган буюк Советлар мамлакати нима учун Америка Қўшма Штатлари, Канада ва бошқа давлатлардан олтин ҳисобида дон сотиб олмоқда? Ваҳоланки, ривожланаётган мамлакатлар, хусусан бир миллиарддан ортиқ аҳолиси бўлган Хитой Халқ Республикаси, 800 миллион аҳоли яшайдиган Ҳиндистон ҳам ҳозир ўзини дон маҳсулотлари билан таъминламоқда. Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигини биз кўпинча АҚШ қишлоқ хўжалиги билан қиёслаймиз. Чунки бу давлатда йилига 300 миллион тоннадан кўпроқ дон етиштирилмоқда, аҳоли жон бошига 120 килограммдан зиёд гўшт тайёрланмоқда. Бунинг сабаби нимада? Аввало, СССРда меҳнат унумдорлиги даражаси паст. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигида, масалан, меҳнат унумдорлиги 100 фоиз деб қабул қилсак, бизда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этади. Меҳнат унумдорлиги албатта бошқа омилларга, жумладан иқлим шароитига ҳам боғлиқ. Масалан, бизда ўртача йиллик ҳарорат 5 даражадан паст майдонлар 60 фоизни ташкил этади. АҚШда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 10 фоиздан иборат.

Экинлардан муттасил юқори ҳосил олишнинг табиий омилларидан бири йиллик ёғингарчилик миқдоридир. 400 миллиметрдан кам бўлган майдон СССРда 40, АҚШда 10 фоизга баробар. Аслида бу миқдор 70 миллиметрдан ортиқ бўлгани афзал. Шундай ерлар АҚШда 60, Совет Иттифоқида эса 2—3 фоизни ташкил этади, холос. Буни Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон шароитига қиёсласак, гарчи йиллик ҳарорат юқори бўлса-да ёғингарчилик камлиги англашилади. Шу боис кун, ҳатто соат сайин сон жиҳатидан ўсиб бораётган совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича, жилла бўлмаса ривожланган мамлакатлар даражасида таъминлаш учун аввало тупроқ самарадорлигини муттасил ошириб бориш, экинларга солинадиган органик ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини орттириш, ишни интенсив технология асосида юритиш, алмашлаб экишни тўлиқ жорий этиш лозим. Бу вазифаларни бажариш учун деҳқоннинг ерга бўлган меҳрини янгартиб, унинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш шарт. Она-еримиздан шундай фойдаланайликки, у ҳам бизнинг ҳаётимизни фаровон, дастурхонимизни тўкин қилсин, ҳам фарзандларимизнинг ризқ-рўзи бутун қолишини таъминласин. Чунки тупроқ ва унинг унумдорлиги нафақат ҳозирги, балки келажак авлоднинг мулкидир.

М. НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди.

Т. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети меҳнатни ташкил этиш марказининг агроном-иқтисодчиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

«Москва» совхози Боғдод районидаги илғор хўжаликлардан. Ўтган йили пахта, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда коллектив катта натижаларга эришди. Бунда инженер-ирригатор Рустамжон Қодировнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳамқишлоқлари Рустамжонга юксак ишонч билдириб, уни район Советига депутат этиб сайлашди.

СУРАТДА: Р. Қодиров.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҒАМХЎРЛИК

Шаҳрихон ипак тўқиш фабрикасида меҳнат унумдорлигини реал ошириш корхона ҳовлисида оддий новвойхона қурилишига қараб қолган экан...

— Корхонада сўраб билиш ўтказилганида унда ишловчи юзлаб аёллар айни шуни таъкидладилар, —дейди фабрика касаба союз комитетининг раиси А. Юсупов. — Ҳақиқатан қайси бир аёл ишдан қайтишда уйга иссиққина тандир нон олиб кетишни истамайди дейсиз? Буни ҳамма хоҳлайди, чунки кечаси янги ёпилган нонни қаердан ҳам топиб бўларди? Касаба союз комитети бу қурилиш учун керак бўлган манбаънинг бир қисмини ажратди, бир қисмини маъмурият қўшди, шу тариқа ходимларнинг яна бир маиший муаммоси ҳал этилди. Энди эса истовчилар ёки нон буюришади, ёхуд тайёрини сотиб олишади. Бунда вақт тежалади, одамлар иш вақтида нон қидириб овора бўлишмайди.

Новвойхона — меҳнаткашлар учун маиший қулайликларни таъминловчи янги қуриладиган бинолар комплексининг бири, холос. Фабрика территориясида хўжалик усулида 160 ўринли ошхона, 40 ўринли кафетерий, ёзги чойхона, сауна қурилган. саунада бассейн ва буфет бўлиб, у ерда доим иссиқ чой ва пишириқлар бўлади. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида дам олиш хоналари очилган.

Фабрика касаба союз ташкилоти озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда ҳам кўмаклашаяпти. Шанбаликлардан бирида ахлатдан тозаланган ялангликда теплицаларнинг биринчи навбати бунёд этилди. Бу ердан ўтган йили қарийб беш тонна помидор, бодринг ва кўкатлар териб олинди. Бу витаминли маҳсулот уччала сменада ишловчи ишчиларнинг, фабрикага қарашли болалар боғчасининг дастурхонини бойитди. Ҳосилнинг қолган қисми фабрика ходимларига сотилди. Ҳозир теплицаларнинг иккинчи навбати қуриб битказилаяпти.

Фабрика эшиги ёнида саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари ишлаб турибди.

«ДУРАДГОР»

«Дурадгор» кооперативи ишлаб чиқараётган ёғоч-тахта буюмлари арзонлиги, сифатининг яхшилиги сабабли Янгиқўрғон районидаги Заркент қишлоғи аҳолисига ғоят мақбул бўлмоқда. Кооператорга дурадгорликни касб-ҳунар қилиб олган кишилар ва ҳаваскорлар аъзо бўлишди. Баъзилар бу иш билан мунтазам шуғулланишади, баъзилар эса кооперативга бўш вақтларида келишади. Улар дераза ва эшик ромлари, плинтуслар ва шунга ўхшаш бошқа дурадгорлик ашёларини тайёрлашади. Меҳнатни яхши ташкил этиш, жараёнларни механизациялаш маҳсулотлар таннархининг камайишига таъсир қилмоқда. Бу эса қишлоқлардаги уй қурувчилар учун фойдали бўлмоқда.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Янгиер аҳолиси дўконларда дудланган колбасаларни кўриб, ниҳоятда ажабланишди. Чунки улар анчадан бери мўлкўлчилик нималигини билишмасди. Бунинг устига колбасанинг нархи матлубот кооперацияси белгилаб берганидан ҳам анча арзон эди.

Бу «Ўзбекистон» савдо-агросаноат бирлашмасида қудратли колбаса цехи ишга туширилганлигининг натижаси бўлди. Цех ўзининг хом ашё базасига эга ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Уч йил ичида қаддини ростлаб олган ёрдамчи хўжалик йилига 80 тонна чўчқа гўшти етказиб беради. Цехда бир неча навдаги колбасалардан ташқари сосискалар, дудланган тўш, шунга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Кейинчалик маҳсулот хиллари янада кўпаяди.

Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни ҳам мўлжаллашмоқда. Цехнинг қуввати бунга имкон беради. Ўшанда областнинг бошқа районларини таъминлашга ҳам маҳсулот етиб ортади. Бироқ энг аввало хом ашё базасини мустаҳкамлаш керак. Шу сабабдан ҳозир бирлашмада хўжаликлар билан ўзаро фойдали шартномалар тузишга тайёрланишмоқда.

Заводда тайёрланган қўзиқоринлар

Урганч пахта тозалаш заводи маҳсулотнинг янги тури — қўзиқоринлар етказиб бера бошлади.

Дастлаб Вешенка ва Флорида қўзиқоринларини заводдаги маъмурий-маиший бинонинг кенг ертўласида етиштириб кўришди. Маълум бўлишича, бу маҳсулотнинг таъми шампиньонларникидан қолишмас экан. Қўзиқорин етиштириш катта харажат талаб қилмади. Заводда уларни етиштиришда толани қайта ишлашдан чиққан чиқиндилар ва яроқсиз хом ашёдан фойдаланиляпти.

Урганч пахтачилари қўзиқорин етиштириш тажрибасини Фарғона пахта заводидаги ҳамкасбларидан ўргандилар. Энди бу ерда қўзиқоринлар махсус қурилган биноларда ўстирилаяпти.

(ЎзТАГ).

АНЪАНАГА САДОҚАТ

Йиллар ва одамлар

Жиззах областидаги «Ударник» совхозида бўлганмисиз? Шу сатрларнинг муаллифи ўтган йилнинг охирги кунларида ана шу хўжаликнинг 60 йиллик тўйида иштирок этганди. Мана карнай-сурнай садолари тинганига анча бўлди-ю лекин совхоз азаматлари босиб ўтган шонли йўл, айниқса бугунги камолот онларидан олинган завқ дилни тарк этмаяпти.

Яқинда республика «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашида «Ударник» совхози директори Раҳмонқул Тошбеков билан шу хусусда гаплашиб қолдик. Мен бой анъаналар яратган хўжалик марди майдонлари ҳақида «Қишлоқ ҳақиқати» муштарийларига ҳикоя қилиш истагим борлигини айтгандим. Директор шундай деди: «Ундай бўлса фақат қадоқ қўлли меҳнаткашларимиз ҳақида ёзинг».

Бу гап менга маъқул тушди.

1929 йилда бутун мамлакатни қамраб олган шижоатли меҳнатга қўшилган янги хўжалик ишчилари ўз номларига монанд зарбдорчасига тер тўкдилар. Чунки улар оддий ишчилармас, балки ўша даврнинг жанговарлигини ўзида ифода этган машҳур «Будённовка» қалпоғини кийган собиқ қизил аскарлар эдилар. Фарғона водийси, Ҳисор тоғ ёнбағирларида, Амударё ҳавзасида уя қурган босмачи галаларини тор-мор келтирган отлиқ қизил қўшин сафида чиниқиб қайтган турли миллат вакиллари эндиликда тинч меҳнат жангчилари эдилар. Жанговар бурчларини адо этиб қайтгач, хўжалик далаларида ҳам фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Улар сафига якка ҳолда тирикчилик қилиб юрган, бир парчагина ердан рўзғорни базўр тебратадиган деҳқонлар ҳам қўшилдилар.

Мамлакатни саноатлаштириш ўзининг илк самараларини бера бошлади, бирин-кетин совет трактор ва комбайнлари келди. Бу эса тезлик билан механизатор кадрлар тайёрлашни тақозо этарди. Ўша пайтда дастлабки машина-трактор станцияси (МТС) ташкил этилган бўлиб, унинг қошида курслар очилди.

Совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш, дастлабки беш йилликнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этишда МТС қошидаги сиёсий бўлим муҳим роль ўйнади. Ўттизинчи йилларда бу бўлимни ажойиб ташкилотчи ва нотиқ, талабчан ва меҳрибон коммунист Иван Степанюк бошқарди, илк партия ячейкалари ана шу тиниб-тинчимас инсоннинг раҳбарлигида тузилди.

Хўжалик меҳнаткашлари учун уруш йиллари жанговар синов, қаҳрамонона меҳнат даври бўлди. Фронт ортини мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги учун немис-фашист босқинчиларига қарши курашаётган совет жангчиларини, йирик саноат шаҳарларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш осон эмасди.

Урушдан кейинги тиклаш йиллари хўжалик учун чинакам юксалиш йиллари бўлди. Эллигинчи йилларда кам қувватли колхозларнинг йириклаштирилиши ҳисобига совхоз ғаллазорлари ҳозирги Жанубий Мирзачўл каналидан то Моргузар тоғ тизмаларининг этакларигача чўзилди. Ҳосилдорлик об-ҳаво қулай келган йилларда 16—22 центнергача юксалди.

1989 хўжалик йили чорвадорлар учун янги зафарлар йили бўлди. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки бу соҳадаги барча йиллик планлар муваффақиятли бажарилди. Жумладан, қорамоллар бош сонини кўпайтириш 108 фоиз адо этилди, чўчқалар бош сони 14,2 минг ўрнига 14,6 мингтага етказилди. Планда белгиланган 1086 тонна ўрнига 1300 тонна гўшт етиштирилди, минг тоннадан зиёд сут соғиб олинди, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш соҳасидаги планлар барча турлари бўйича бажарилди.

Ҳар юз сигирдан 86 бошдан, жами 470 та бузоқ ва 11400 та чўчқа боласи олинди. Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут миқдори 2500 килограммга, бўрдоқига боқилаётган қорамолларнинг бир кеча-кундузда семириши 581 граммга, чўчқаларда эса 431 граммга етказилди. Бу пландагидан анча юқори. Шу ютуқларнинг самараси сифатида хўжалик йилни 800 минг сўм фойда билан якунлади.

Бу ютуқлар эл фаровонлигини ошириш, дастурхонини тўкин этиш йўлида ҳормай-толмай тер тўкаётган чорвадор ва деҳқонлар фидокорона меҳнатининг самарасидир. Шунинг учун ҳам чорвачилик бригадаларининг моҳир етакчилари Қўлдош Асқаров, Раим Бекмирзаев, Карим Тошбековнинг, пешқадам чўчқабоқарлар — Жавҳар Хубаева, Ўрол Алиев, Надежда Петухова, Галина Асадуллина, Валентин Клецер, Галина Ким, Иноят Муртазоев, бўрдоқибоқарлар Турғун Човганов, Ўрозгул Мирзабекова, Заркумуш Эргашеванинг номларини фахр ва ифтихор туйғулари билан тилга оламиз.

Чорвачиликнинг равнақи мустаҳкам озуқа базаси билан, демак, деҳқончилик билан чамбарчас боғланган. Хўжалик деҳқонлари эса бу соҳани механизацияга таянган ҳолда ривожлантиришаётир. Яъни, чорвадорлар қўлга киритган ютуқларда деҳқонлар, механизатор, шофёр, қурувчи, ремонтчи ва бошқаларнинг катта улушлари бор. Айниқса, С. Сайдаматов, М. Саидов, Б. Бойзоқов, М. Абдураззоқов каби тракторчилар, Н. Наумов, Р. Донабоев, Ў. Зокиров, И. Номозов, Ю. Жалилов, З. Хонсеваров каби шофёрлар, К. Иброҳимов, З. Абдурашидов, С. Қодирбердиев, Т. Нуралиев, М. Сулаймонов, А. Қоражонов сингари ремонтчи-слесарь ва бошқа хизматчилар чорвадорларнинг оғирини енгил, мушкулини осон этишга баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда совхознинг ишчи-хизматчилари асосий шарт-шароитларга эга бўлган посёлкада яшаяпмиз, дейишга тўла ҳақлидирлар. Чунки аҳолига 20 дан ортиқ савдо дўконлари, маиший хизмат уйи, участка марказий касалхонаси, дорихона, клуб, 3 та кутубхона, чойхона, колхоз бозори ва бошқа маданий-маиший объектлар хизмат қилмоқда. Хўжаликдаги давлат секторига тегишли барча уйлар, хусусан хонадонларнинг ярмидан кўпи табиий газдан баҳраманд этилди, тоза ичимли сув билан таъминланган. Ҳамма хонадон электр ва радиолаштирилган. Меҳнаткашларнинг фарзандлари «Олтин бошоқ» болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб ҳамда 2 қишлоқ ҳунар-техника билим юрти бағрида таълим-тарбия олмоқдалар. Янги, замонавий минг ўринли мактаб биноси эрта-индин иш бошлайди.

Чорвачилик биноларини ремонтдан чиқариш, кенгайтириш, замонавий усулда жиҳозлаш ҳар доим диққат-эътиборда.

Уй-жой муаммосини ҳал этишга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Совхознинг янги посёлкасини қуриш авж олдириб юборилган. Дастлабки 8 та коттеж типидаги уй битказилиб, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларига берилди. Шахсий иморат қурувчилар учун 86 та томорқа ажратилди. Посёлка кўчаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Совхоз аҳолисининг моддий фаровонлиги ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Енгил автомашина, мотоцикл, рангли телевизор, холодильниклар юзлаб хонадонларнинг кўрки бўлиб қолди. Халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида ҳам изчил иш олиб борилмоқда. Совхознинг суғориладиган далаларидан олинган 38 тонна картошка, 40 тонна пиёз, 40 тонна сабзи, 25 тонна полиз маҳсулотлари меҳнаткашларга энг арзон нархда сотилди.

Ҳозирги кунда совхоз ишчиларининг бутун диққат-эътибори хўжаликни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ижара пудратини жорий этиш ҳисобига мўл ва арзон маҳсулот етиштиришга қаратилган. Чорва қишлови муваффақиятли якунланмоқда, дала ишлари изчиллик билан амалга оширилаяпти. Хуллас, бой анъаналар заминига таянган «Ударник» совхози зарбдорлари КПСС XXVIII съездини ёруғ юз билан кутиб олишга чоғланишган.

Т. ҒАНИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш конгресс раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, унда Никарагуада бўлиб ўтган умумий сайловдан кейин бу мамлакатдаги вазият ҳақида, маъмурият бу сайловнинг натижаларини қандай баҳолаши ва Қўшма Штатлар бундан буён қандай иш тутиши ҳақида ахборот берди.

Суҳбатдан кейин сенатдаги демократик кўпчилик раҳбарининг ўринбосари Алан Крэнстоннинг айтишича, Оқ уйнинг бошлиғи шу сайлов якунлари муносабати билан яқин вақт ичида Қўшма Штатларнинг шу мамлакатга нисбатан ўтказаётган сиёсатида катта ўзгаришлар бўлади, деб шама қилган.

Оқ уйда АҚШ президенти Жорж Буш билан Вашингтонга ташриф буюрган Ғарбий Берлин бургомистри Вальтер Момпер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Германияни қайта бирлаштириш масаласи суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Гарчи учрашув якунлари хабар қилинмаган бўлса ҳам, Ғарбий Берлин социал-демократларига мансуб бўлган Вальтер Момпер Вашингтонда чегаралар тўғрисидаги масалада канцлер Колнинг позицияси «мутлақо нотўғри» деб айтган. У, жумладан, Ғарбий Германия раҳбари иккала герман давлатини қайта бирлаштириш жараёнини қистовга олиш билан бирга шу пайтга қадар бўлажак ягона Германиянинг шарқий чегаралари бузилмаслиги тўғрисидаги масала хусусида аниқ ва равшан бир гап айтмаганлиги тўғрисида ташвиш билдирди.

Бироқ Германия давлатчилиги муаммоларини ҳал этишнинг турли жиҳатлари борасида Вашингтон билан Бοннинг ҳамма қарашлари ҳам бир-бирига ўхшаш эмас. Чунончи, Оқ уйнинг расмий вакили сешанба куни бу ерда гапириб, президент Буш билан ГФР канцлери Коль Германияни қайта бирлаштириш муаммоси хусусида, жумладан, Германия давлатлари бирлашганидан кейин шарқий чегаралар хусусида турли позицияларда турганликларини эътироф этди.

ОТТАВА. Бу ерда «очиқ осмон»га бағишланган Оттава конференциясининг иши ниҳоясига етди. Гарчи ўртага қўйилган мақсадга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим бўлса-да, бу анжуман халқаро турмушда катта воқеа бўлди. Бу мақсад давлатларга бир-бирининг территориясидаги ҳарбий фаолиятни осмондан, самолёт ичидан кузатиб бориш ва шу тариқа мазкур фаолиятнинг йўналиши хусусида вужудга келган шубҳа-гумонларни тарқатиб юбориш имкониятини бера оладиган шароитни вужудга келтиришдан иборат.

◆

ВАРШАВА. Польша президенти Войцех Ярузельский Варшавада бу ерга расмий ташриф буюрган Исроил ташқи ишлар министри Моше Аренсни қабул қилди. Польша билан Исроил ўртасида дипломатия муносабатлари яна ўрнатилиши муносабати билан томонлар мамнуният изҳор этиб, бу ҳодиса иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда сифат жиҳатдан янги босқич очажагини таъкидлаб ўтдилар.

Аренс Исроил президенти Хаим Герцогдан Ярузельскийга мактуб топширди, бу мактубда мазкур мамлакатга расмий ташриф буюриш таклиф қилинган. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди. Ташриф муддатлари дипломатик йўл билан келишиб олинади.

◆

МАНАГУА. Никарагуа пойтахтида сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбариятининг шу ташкилот фаоллари билан биргаликдаги кенгаши бўлиб ўтди. Фронт тарафдорларининг кўп минг кишилик митингида сўзга чиққан Даниэль Ортега кенгашда қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттирди.

Ҳукуматнинг уюшқоқлик билан тинч алмашинуви рўй бериши учун миллий озодлик фронти аксилинқилобчи кучлар дарҳол тарқатиб юборилиши ва қуролсизлантирилишини, контраслар ўғирлаб кетган никарагуаликлар бўшатиб юборилишини талаб қилди.

◆

ИСЛОМОБОД. (ТАСС мухбири). Совет Иттифоқи бизнинг шимолдаги буюк қўшнимиздир, шунинг учун ҳам биз у билан энг самимий ва ўзаро фойдали муносабатларнинг ўрнатилишига интиламиз, деди Покистон ислом республикаси ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Танвир Аҳмадхон. «Мен Покистон—Совет муносабатлари янада мустаҳкамланиши истиқболларидан беғоят умидворман. СССРнинг дўстона ёрдами билан Карочида қурилаётган металлургия заводини ана шундай ўзаро фойдали икки томонлама ҳамкорликнинг ажойиб намунаси, деб аташ мумкин». «Афғон муаммоси Покистон—Совет муносабатлари ривожланишига муайян даражада тўсқинлик қилишни давом эттирмоқда, бироқ бу муаммонинг ҳал этилиши билан мамлакатларимиз олдида янги кенг истиқболлар очилади. Яқин келажакда бунга эришилишига умид қиламиз», — деди Т. Аҳмадхон.

Афғонистондаги совет ҳарбий асирлари озод этилиши масаласига тўхталиб, Т. Аҳмадхон Покистон бу ишда СССРга ёрдам берган ва ёрдам бераверади, деди. Шу билан бирга у совет ҳарбий хизматчилари қуролланган оппозиция қўлига тушганлиги фактини эътиборга олиш кераклигини таъкидлади. Қуролланган оппозиция ҳам асирга тушган мужоҳидлар озод этилишидан манфаатдордир, шунинг учун ҳам муаммонинг икки томонлама ҳал этилишига интилади.

НАШИДА

— «Правда Востока» колхози идораси ёнида жойлашган иссиқхонада бўлганмисиз? — сўраб қолди ҳамроҳим, колхоз музейининг мудири Аъзамхон ака.

— Колхозда кўп бўлганман-у, лекин...

— Бир кўринг. Ойнаванд ромлар тагида лимонлар тарқ пишиб ётибди.

Ҳамроҳим йўл бошлади. Иссиқхона эшигини очиб ичкарига мўраладик.

— Тўланбой шу ерда экан, — деди Аъзамхон ака.

Лимонзор юмушлари билан банд бўлган Тўланбой Абдуллаев билан кўришдик. Иссиқхонада чиндан ҳам лимонлар ипга тизилган шода марвариддай товланиб турарди.

— Иссиқлик етарли бўлса, гўнг, сув вақтида бериб турилса бас, ғуж-ғуж ҳосил тугавераркан, — деди Т. Абдуллаев. — 1988 йилда 18 сотих ердан 3.357 килограмм ҳосил олган эдик. 1989 йилда ҳам 3000 килограммдан ошди. Ҳали қўл урилмаган туплар турибди. Лимонзордан ҳар йили ўн минг сўмдан зиёд даромад олаяпмиз.

— Бир туп лимон дарахти неча дона мева бериши мумкин?

— Бу унинг катта-кичиклигига боғлиқ, — жавоб қилди соҳибкор. — 4—5 ёшли дарахт 50—70 дона, 9—10 ёшдагиси 120—150 дона мева бериши мумкин. Ҳосил 150—170 кунда пишади. Мевасини териб олгандан кейин дарахтни чеканка қиламиз. Кейин улар тагини ковлаб, гўнг соламиз. Қишда бир марта суғорилади. Ёз фаслида эса ҳар ойда икки мартадан суғориш зарур.

Мен шу пайт соҳибкорнинг чеҳрасига назар ташладим. У ҳосилини кўтара олмай қуйи эгилган лимон шохларига завқ-шавқ билан тикилар, ўз меҳнати нашидасидан мамнун эди.

Т. КОМИЛОВ.
Ленин райони.

Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз чорвадорлари 1990 йилнинг дастлабки икки ойини муваффақиятли якунладилар. Гўшт ва сут етиштиришда белгиланганига нисбатан анча илдам суръатларга эришилди. Бу ютуқларда моҳир чорвадорлар — район Совети депутати Бўтакўз Холдорбекова (чапда) ва унинг шогирди Гули Шайбергенованинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу сигирсоғарлар қарамоғида 28 бошдан сигир бор. Улар ҳар говмишдан пландагига нисбатан 100 килограммдан кўп сут соғишга аҳд қилишган.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

Совет
Иттифоқидир
бизнинг
Ватанимиз

ЛЕНИНГРАД. Областдаги «Виборжец» совхозининг сабзавоткорлари теплицаларда табиат имкониятларини технологик янгиликлар билан тўлдириб, қишнинг заиф қуёши нурларидан фойдаландилар. Украиналик агрофизикларнинг лойиҳаси билан бу ерда илгари қозонхоналарнинг мўриларидан ҳавога чиқариб юборилган тутунни ҳосил учун «ишлаш»га мажбур қилдилар. Энди бу тутун оқими тозаланиб, сараланганидан кейин карбонат ангидрид гази ўсимликлар озиқланиши учун қўшимча модда сифатида теплицаларга йўналтирилаяпти. Коллектив микроиқлимни компьютер ёрдамида бошқариш тажрибасини жорий этди ва синовдан ўтказди. ЭҲМнинг буйруқлари билан ўсимликлар учун тайёрланган озуқа аралашмалари нитрат ва нитрит моддалари билан ҳаддан зиёд тўйинишга йўл қўймайдиган қилиб теплицаларга йўлланади. «Виборжец» бу йили қарийб ўн минг тонна эртаги сабзавот сотади.

* * *

МОСКВА. Пойтахтдаги «Керамика» бирлашмасининг мутахассислари қадимги усталарнинг ҳозир унутилиб кетган маҳорат сирларини очдилар. Улар тайёрлай бошлаган маҳсулот ўзининг мустаҳкамлиги ва чиройи билан кўҳна меъморчиликнинг кўпгина ёдгорликларини безаб турган кошинлардан қолишмайди. «Волна», «Пряник», «Кирпичик» ва бошқача номлар билан аталган кошинлардан Москвадаги «Измайлово», «Заря», «Останкино», «Будапешт» туристик-меҳмонхона марказларини безатишда фойдаланилди. Корхона ҳар ойда 120 мингта кошин ишлаб чиқараяпти. Юксак бадиийликка эга бўлган «Зеркальце» ва «Павлин» номли янги хил кошинлар тайёрлашни ўзлаштириш тугалланаяпти.

* * *

УРГАНЧ. Бу ерда рус ва ўзбек тилларида чиқа бошлаган хабарнома «Ҳуқуқ-тартибот учун» деб номланди. Уни Ўзбекистоннинг Хоразм область жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитети нашр қилаяпти. Нашрнинг дастлабки сонида областда қонунбузарликларга қарши курашга қаратилган ҳуқуқий тарбия ва жиноятларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, ёшлар орасидаги тарбиявий ишлар ҳақида ҳикоя қилинган.

(ТАСС).

ТЕКШИРИЛДИ, ЧОРА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети инспекциялари томонидан ўтган йили 844 та химизация объектлари — минерал ўғитлар ва заҳарли дорилар сақланадиган омборлар текширишдан ўтказилди. Ноxуш манзарага дуч келинди: барча кимёвий дорилар бунга яроқсиз биноларда ёки очиқ майдончаларда сақланади.

Текшириш пайтида кимёвий моддаларни ташиш, улардан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Муҳофаза зоналари йўқ, ҳисоб-китоб ўз ҳолига ташлаб қўйилган, назорат қилинмайди. Хўжаликлардаги омборларда, қишлоқ хўжалиги аэродромларида заҳарли моддаларни сақлашда тартиб ва қоидалар бузилмоқда. Фойдаланилмай ёки ортиб қолган дориларни кўмиш учун махсус жиҳозланган жойлар йўқ.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг инспекциялари омборларни типовой қилиб қайта жиҳозлаш устидан қатъий назорат ўрнатди. Афсуски, иш ўта суст бормоқда. Таъқиқланган моддаларни қайта ишлаб, фойдаланиш масаласи ҳалига қадар ҳал этилгани йўқ.

* * *

Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ҳавони ифлослантиришнинг йирик манбаи ҳисобланади. Ундан кўтарилган газлар республикадаги барча чиқиндиларнинг 12 фоизини ташкил этади.

Кислород-машъалада эритишнинг иккинчи навбатини ишга тушириш чиқиндиларни, асосан олтингугурт двуокисини юз минг тоннага қадар камайтириш йўлида ташланадиган катта қадамдир. Бироқ бу иншоотнинг қурилиши мана 15 йилдан буён судралмоқда. Келгуси беш йилликда тугашига ҳам умид йўқ. Аслида уни 1990 йилда ишга тушириш режалаштирилган эди. Аммо барча муддатлар барбод қилинди.

* * *

Даволаш муассасаларидан чиқадиган оқавалар одамлар саломатлиги учун ниҳоятда хавфлидир. Шунга қарамасдан ўтган йили уларнинг сув юзасини булғаганлиги бир неча бор маълум бўлди. Аҳоли учун хавф туғдирадиган жойлар аниқланди. Масалан, Самарқанд область Паст Дарғом, Андижон область Избоскан район марказий касалхоналаридан чиқадиган оқавалар саломатлик учун хатарли эканлиги текширишда аён бўлган. Медиклар бунга хлор оҳаги йўқлигини рўкач қиладилар. Тўғри, бу модда сувни зарарсизлантиради. Аммо унинг йўқлиги оқибатида оқин сувлар ифлосланмоқда.

* * *

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш даврида чиқиндилар кўп қолади. Республика бўйича улар бир миллиард тоннани ташкил этади. Улар анчагина майдонларни банд этади. Ер фонди етишмаётган ҳозирги кунда бу ҳол мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Тоғ металлургия саноати қолдиқларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаётир. 40 миллион тонна чиқиндиларнинг бор-йўғи ярим миллион тоннаси ёки 1,2 фоизи қайта ишланаётгани бунинг далилидир. Ҳолбуки, зарар келтираётган, яроқсиз деб ҳисобланган нарсалардан омилкорлик билан фойдаланилса наф кўриш мумкин эди. Афсуски, республиканинг кўпгина илмий-тадқиқот институтларида бу муҳим масалани ҳал этишга журъат қилинмаяпти.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг матбуот маркази.

ТИРИК МАРЖОН

Март ойида одатда Ўзбекистон сув ҳавзаларида балиқлар тухум ташлай бошлайди. Балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни етиштириш ҳамда балиқ овини тартибга солиш республика ҳавзалар бошқармасининг илмий-овлаш кенгаши балиқ тухум ташлаш даврида уларни ов қилишни тақиқлаш муддатларини белгилади.

— Бу йил, — дейди «Узбекрибвод» бошлиғи Т. Ш. Алимов, — март ойида Амударё ва Сирдарёда совуқ кутилаётганлиги муносабати билан, табиийки, бундай об-ҳаво шароитида балиқ тухуми етилиши жараёни секинлашади, уларда балиқ овлашни тақиқлаш муддатларини бироз узайтирдик. Шу сабабдан бу дарёларда аввал бўлганидек, 1 мартдан эмас, балки 10 мартдан 10 июнга қадар ҳар қандай балиқ овлаш тақиқланади. Республикамизнинг қолган сув ҳавзаларида балиқ ови 16 апрелдан 31 майгача тақиқланади.

Бундан ташқари, таркибида балиқ етиштирувчи ва илмий ташкилотларнинг вакиллари, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва балиқларни муҳофаза қилиш идораларининг мутахассислари бўлган илмий-овлаш кенгаши илмий кузатишлар асосида ҳамда назорат тариқасидаги ов вақтида олинган маълумотларга асосланиб, балиқ тухум ташлаш даврида айрим ҳавзаларда ов муддатларини қўшимча равишда кўриб чиқиш ва уни ўзгартиришнигина эмас, айни вақтда анча узоқ муддат давомида балиқларнинг баъзи турлари овланишини чеклаб қўйишни ҳам зарур деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, Шарқий Арнасойда 16 апрелдан 1 июлгача, Қорақалпоғистон ва Хоразм области сув ҳавзаларида 26 апрелдан 10 июнгача балиқ овлаш мумкин эмас. Сирдарёда ва Арнасой кўлларида оққайроқ ва лаққа сингари йиртқич балиқларни 1 мартдан 31 майга қадар ов қилиш тақиқланади. Чунки текширишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, балиқларнинг бу тури ҳам миқдори жиҳатидан, ҳам запаси жиҳатидан жуда оғир аҳволга тушиб қолган.

Чорвоқ сув омборида кўп йиллардан бери гўшти қизил балиқнинг гулмоҳи сингари турларини кўпайтириш ва уларни шу ер иқлимига мослаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, балиқларнинг бу турлари Қирғизистондан олиб келинади. Уларнинг анчагинаси ов қилса арзийдиган бўлиб қолди, лекин тўдалари вужудга келгани йўқ. Шу сабабдан бутун йил давомида сув омборида ана шу балиқни овлашни ҳозирча тақиқлаб қўйишга қарор қилинди. Чорвоқ сув омборида балиқларнинг бошқа турларини овлаш 26 апрелдан 31 майга қадар тақиқланган. Тўполон ва Сангардак дарёларида Амударё гулмоҳиларини овлаш 5 сентябрдан 25 октябргача тақиқланади.

Бу йил балиқ тухум ташлаш даврида уларни овлашга оид режалаштирилган тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат. Агар бу шарт-шароитлар аниқ ва ўз вақтида бажарилса, республика дарёлари, кўллари, анҳорлари ва сув ҳавзаларида балиқ запаслари етарли бўлади. Буни олимлар ва мутахассислар ҳам тасдиқлашмоқда. Натижада ўтган йиллар даражасида балиқ овлаш имконияти туғилади, айни вақтда ҳаваскор балиқчилар ҳам четда қолмайдилар. Илмий-овлаш кенгаши Ўзбекистоннинг айрим сув ҳавзаларида вужудга келган ташвишли экология ҳолатига тааллуқли бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилди.

— Орол фожиасидан сўнг республикамизда балиқ овлашнинг асосий базасига айланган Айдар-Арнасой бир-бирига қўшиладиган ерларнинг эртанги куни тўғрисида қайғуриш керак, — деди Т. Ш. Алимов.—Ушбу сув ҳавзаларида Жиззах балиқчилик комбинатининг йиллик планини 1200 тонна камайтириш юзасидан кенгаш берган тавсияларда худди ана шу ниятимиз ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг очиқ сув ҳавзаларида бу йил умуман 8100 тонна балиқ овланиши керак. Шунинг 3 минг тоннасини Арнасой ва Айдаркўл товар хўжаликлари бериши лозим. Бироқ белгиланган тадбирларга кўра, яқин икки-уч йил ичидагина планда кўзда тутилган балиқни овлаш мумкин, деб ўйлайман. Чунки бу кўллар борган сари кўпроқ минераллашмоқда, ҳамма ерда чўртанбалиқ йўқолиб кетди. Очиғини айтсам, Арнасой кўлларининг келажаги жуда ноаниқ бўлиб қолмоқда. Кўп муаммолар бор. Лекин бу муаммоларни алоҳида, муфассалроқ гаплашиб олишга тўғри келади...

«Узбекрибвод»нинг балиқлар тухум ташлаш даврида балиқ овини тақиқлаш тўғрисидаги ва 1 мартдан кучга кирадиган буйруғи область давлат балиқ назорати идораларига, барча манфаатдор ташкилотлар ва маҳкамаларга юборилди. Буйруққа кўра, белгиланган муддатда давлат балиқ овловчилари сув ҳавзаларидан ов қуролларини олиб чиқиб кетишга, омборхоналарни ёпиб, муҳрлаб қўйишга мажбурдирлар. Шу даврда барча балиқ хўжалиги сув ҳавзаларида моторли қайиқлар ёрдамида ов воситаларидан фойдаланиш ман этилади.

Ушбу буйруқни бузганларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиши ва улар жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилади, албатта. Балиқ муҳофазаси идоралари ходимлари билан жамоатчи балиқ назоратчилари учун қизғин кунлар бошланмоқда. Балиқ тухум ташлаш даврида эҳтиёткорлигини йўқотади, юза ерларда пайдо бўлади ва оқибатини ўйламай, оқилона иш тутмайдиганларнинг ўлжасига айланади. Балиқлар урчийдиган даврда уни енгил даромад манбаига айлантирувчилар ана шундай қилишга интиладилар. Бинобарин, балиқ овлашда ниҳоятда ваҳшиёна усулларни ҳам қўлланадилар. «Узбекрибвод» маълумотларига қараганда, ўтган йили балиқ овлаш қоидаларини қўпол равишда бузиш ва балиқларни шафқатсиз қириш ҳоллари деярли уч минг мартадан кўпроқ юз берган. Бу фақат рўйхатга олинган ҳодисалардир.

Умумий тақиқлаш даврида ҳаваскор балиқчилар ва спортчиларга балиқ овлаш фақат битта шарт билан рухсат этилди. Улар барча турдаги балиқ овлаш қармоқларидан фойдаланмасликлари керак. Бир балиқ овловчи иккитадан ортиқ қармоқда ов қилиши рухсат этилмайди. Бунинг учун республикамизда балиқ тухум ташламайдиган ерларда ва балиқлар кўплаб тўпланмайдиган жойларда алоҳида сув ҳавзалари ажратилган. Ана шу сув ҳавзалари рўйхатини ҳаваскор балиқ овловчилар балиқ овлаш жамиятларидан, жойлардаги область ва район давлат балиқчилик назорати идораларидан билиб олишлари мумкин.

Ю. ЗРЯЩЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

СПОРТ АХБОРОТИ

ШАХМАТ

Линаресдаги йирик халқаро мусобақа мутахассису мухлисларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Чунки ҳар бир партияда ғолиблик учун мурoсасиз баҳс бормоқда. Саккизинчи тур учрашувлари ҳам бундан холи бўлмади. Бокулик жаҳон чемпиони Каспаров Гулько билан бўлган партиянинг 21-юришида хатога йўл қўйиб, мағлубиятга учради.

Минсклик Гельфанд собиқ жаҳон чемпиони Спасскийни енгди. Бу унинг бешинчи ғалабасидир. Шунингдек Портиш Шортдан, Ильескас эса Юсуповдан устун келди. Салов—Иванчук, Белявский — Любоевич партиялари дуранг бўлди.

Саккиз турдан сўнг 6 тадан очко тўплаган Каспаров ва Гельфанд олдинда боришаяпти. Салов ҳисобида 5,5 очко бор.

СУЗИШ

Москвадаги «Олимпийский» спорт комплексида ўтказилган мамлакат қишки биринчилигида юксак натижалар қайд этилди. 100 метрга эркин усулда сузишда олмаоталик Е. Ермакова зафар қучди. Чебоксарлик Е. Курчина иккинчи, ленинградлик Е. Козлова учинчи ўринни эгалладилар.

200 метрга брассча сузишда ленинградлик Е. Волковага тенг келадиган рақиб топилмади. Кейинги совринли ўринлар М. Тарасова (Москва) ва Ю. Ландикка (Ленинград) тегди.

Тошкентлик Сергей Заболотнов ҳам ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Моҳир спортчимиз 100 метрга чалқанча сузишда марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди.

Днепропетровсклик В. Ярошчук 200 метрга (баттерфляй) сузишда энг яхши натижа кўрсатиб, мамлакат чемпиони бўлди.

БАСКЕТБОЛ

Москванинг МАСК командаси Корач кубоги учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Маълумки, армиячилар Грецияда «Паниониос» клуби билан ўтказилган биринчи чорак финал матчида 85:107 ҳисобида мағлубиятга учрашган эди. Лекин улар такрорий ўйинда ғалаба қозониб (106:53), икки ўйин натижасига кўра ярим финалга чиқдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Адлерда ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги якунланди. Унда республикамиз шарафини ҳимоя қилган тошкентлик В. Зайцев кумуш медални қўлга киритди. Ш. Капкаевнинг шогирди найза улоқтиришда 81 метр 78 сантиметр натижани қайд этди.

КУРАШ

Навоийда касаба уюшмалари республика кўнгилли физкультура ва спорт ж
миятининг биринчилиги
либ ўтди. Унда ўсмир
шахсий ҳисобда ғоли
учун кураш олиб бор
Мусобақа якунида то
лик Р. Сотиболдиев,
фуров, К. Собиров,
тянов, Р. Мухамед
Акбаров, А. Умаро
ботин, В. Оқилов,
кин, самарқандли
шев, наманганли
фуддинов ва ф
Бўрибеков ўз
йича ғолиб чиқ

ХО

Олий лиг
Советов»
педо» (Го
0:7 ҳисоб

Му

КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

ҚАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «ҚОРАСУВ» НАСЛДОР ПАРРАНДАЧИЛИК БИРЛАШМАСИ БОШ ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТИ ИСЛОМ ХУДОЙҚУЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ислом Истамович, аввало юксак ишончга сазовор бўлганингиз билан табриклаймиз.

— Раҳмат.

— Бу галги сайловлар том маънода янгичасига ўтди. Айниқса бир неча номзод қўйилган округлар сайловчиларининг ҳам, сайланувчиларининг ҳам ҳаяжони ўзгача бўлди.

— Жуда тўғри. Мен ҳамон ҳаяжондаман. Сабаби ўзингизга маълум. Тўрт номзод орасида овоз олиш осон эмас. Бу муваффақиятни номзодимни кўрсатган меҳнат коллективимнинг ютуғи деб биламан. Чунки кейинги уч йилда бирлашмамиз тармоқ корхоналари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Агар янги раҳбар бўлиб келган 1985 йилда 368 минг сўм зиён кўрилган бўлса, якунланган йилда 3 миллион 546 минг сўм даромад қилдик. Қисқа муддат ичида одамлар турмуш тарзи кескин ўзгарди. Бир қатор ижтимоий муаммолар ҳал этилди: янги мактаб, болалар боғчаси, турар жой қурилиши ва бу ишларнинг ҳозир ҳам давом этаётганлиги одамлар ишончини оширди. Борди-ю мен ишлаётган корхона бундай натижаларга эришмаганида овоз олишим жуда қийин кечган бўларди.

— Ислом Истамович, халқимиз Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини катта қизиқиш билан кутмоқда. Ушбу анжуманга қандай ҳозирлик кўраяпсиз?

— Бу кунни нафақат сайловчилар, биз — депутатлар ҳам ҳаяжон билан кутаяпмиз. СССР халқ депутатлари съездлари, сессиялари қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Уларда қабул қилинган қарорлар, қонунлар мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилишига ишончим комил. Лекин мен кўпроқ парламентимиз иш услуби ўзгарганлигидан мамнунман. Ниҳоят, халқимиз сайлаб қўйган вакиллар ҳаётий муҳим масалалар ечимини топишда фаол иштирок эта бошладилар. Йиллар давомида йиғилиб қолган дардларимиз вулқондай отилиб чиқаяпти. Муҳими — баҳс ва мунозараларда ана шу дардларимизни даволашнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқилаяпти.

Ўйлайманки, бизнинг дастлабки йиғилишимиз ҳам мунозараларга бой бўлади. Сессия кун тартибига ташкилий масалалардан ташқари республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказишнинг асосий йўналишлари, меҳнаткашларнинг Ўзбекистон ССР гражданлари ҳарбий хизматни ўташ тартибини ўзгартириш масалаларига доир таклифларининг муҳокамага қўйилиши унинг ниҳоятда қизғин ўтишидан далолат бериб турибди.

Қайта қуриш ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораяпти. Бор-йўғи икки-уч йил муқаддам республикаларга иқтисодий мустақиллик бериш ҳақидаги масалани олий анжуман кун тартибига қўйиш у ёқда турсин, ҳатто шундай таклиф билдиришнинг ўзи мамлакатга хиёнатдай қабул қилинарди. Энди эса бу масалада анча кечикиб қолганимизни очиқ-ойдин тан олаяпмиз.

— Кейинги пайтларда ҳарбий хизматни ўташга оид турли таклифлар, мулоҳазалар билдирилаяпти. Сайловолди учрашувларида ҳам бу ҳақда кўп гап бўлди. Шу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

— Тўғрисини айтганда, бу борада ҳам жаҳондаги кўплаб мамлакатлардан орқада қолиб кетдик. Бугунги кунда ҳарбий харажатлар учун улкан маблағ сарфланаяпти. Қайта қуриш туфайли армияни бирмунча қисқартиришга эришилди. Аммо бу жуда оз. Фан ва техника, жумладан, ҳарбий техника ниҳоятда ривожланган бир даврда кўп сонли аскар шарт эмас. Инсоният вақт ўтиши билан янгича фикрлай бошлади. Эндиликда «совуқ уруш» деган иборалар йўқолди. Ҳар қандай муаммони ҳам қурол орқали эмас, ақл-идрок, тафаккур кучи билан бартараф этиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шундай экан, сира иккиланмай ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланмоқ зарур. Оз сонли, лекин профессионал ҳарбийлардан иборат қўшин мамлакат тинчлигини ҳозиргидан яхшироқ қўриқлай олади, деб ўйлайман. Энди юртдошларимизнинг Ўрта Осиёда хизмат қилишлари масаласига келсак, мен бунга тўлиқ қўшиламан. Ўзга қисмларда, айтайлик, денгизчи сифатида ёки бошқа қўшинларда бўлишни хоҳлаган ёшлар ихтиёрий равишда ариза бериб, бурчни хоҳлаган жойда ўташлари мумкин. Яна бир масала: қурилиш батальонларини бутунлай йўқотиш керак. Бу иш билан бевосита қурувчиларнинг ўзлари шуғуллланишсин. Балки ҳарбийлашган қўшилмалар тузиш керакдир. Ҳар ҳолда у қанчалик улуғ ғоялар, мақсадлар учун бўлмасин, одамни икки йил мобайнида текин ишлатиш ҳуқуқий давлат тузиш йўлида изланаётган жамиятимиз ривожига хизмат қилмайди.

— Сайловолди учрашувларида аҳолидан кўплаб наказлар тушганлиги табиий. Уларни ижро этиш осон эмас, албатта...

— Сайлов арафасида округдаги деярли барча меҳнат коллективлари, истиқомат жойларида бўлишга ҳаракат қилдим. Кўплаб одамлар билан учрашиб, улар қалбига қулоқ тутдим. Ишонасизми, деярли тўрт йил шу ерда яшаб ва ишлаб, атроф қишлоқлардаги аҳвол бу даражада мушкул эканлигини сира тасаввур этмагандим. Бошқа ерларни қўя турайлик, фақат Фрунзе қишлоқ Советининг ўзидаги муаммолар бир дунё. Одамлар учун энг зарур бўлган касалхонанинг йўқлиги, кўплаб қишлоқлар ичимлик сув, табиий газ билан таъминланмаганлиги ачинарли. Баъзи мактаблар аллақачон яроқсиз ҳолатга келиб қолганига қарамай ҳали янгисини қуришга ҳеч ким киришгани йўқ.

Баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли озгина кўмак билан битиб кетадиган ишлар ҳам чала ётибди. Масалан, САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси аграр-саноат хўжалигидаги болалар боғчаси ремонти бир йилдан бери чўзилиб келаяпти. Натижада икки группа тарбияланувчилари бир жойда овқатланиб, бир хонада ухлашмоқда. Ахир, бу санитария қоидаларига бутунлай тўғри келмайди-ку! Болалар келажагимиз, деб лоф ургандан кўра ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта болакайлар ҳолидан хабар олган маъқул эмасми?!

— Ўтган ойда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети пленумида, ҳозир давом этаётган СССР халқ депутатлари сессиясида мамлакатда президентлик лавозими ҳақида гап борди. Шу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

— Ижобий. Улкан мамлакатимиз учун барча ваколатларга эга бўлган президент бошқарувининг йўлга қўйилиши шарт деб ҳисоблайман. КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида алоҳида таъкидланганидек: «Жамиятда СССР халқ депутатлари съезди олдида масъул бўлган ҳамда зарур ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат бошлиғи — президент лавозимини таъсис этиш масаласи борган сари қатъият билан қўйилмоқда. Буни мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, қайта қуришга янада жўшқинлик бахш этиш ва унинг орқага қайтмаслиги кафолатларини мустаҳкамлаш, қонунийликни ва гражданларнинг хавфсизлигини, демократиялаш жараёнида барча давлат ва жамоат муассасаларининг нормал ва самарали ишлашини таъминлаш, СССР манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз номидан вакиллик қилиш эҳтиёжлари талаб қилмоқда».

Яширишнинг ҳожати йўқ: мамлакатимизда аҳвол жуда мураккаб. Айни шундай пайтда демократик йўл билан сайланган кучли президентлик ҳокимияти сув билан ҳаводек зарур.

— Ислом Истамович, агар бўлажак сессияда сўз беришса, нималар ҳақида гапирган бўлардингиз?

— Умуман олганда, мени кўпдан қийнаб юрган муаммолар талайгина. Аммо кейинги 4—5 йил ичида турли минбарлардан шу қадар кўп муҳим гаплар айтилдики, агар шуларнинг бир қисми амалга ошганда ҳам турмушимиз анча фаровон бўлиб қоларди.

Бу билан кўпроқ сукут сақлаган маъқул, демоқчи эмасман. Аммо олий минбарга сўз сўрашдан олдин халқ бизни нега сайлаганини, улар олдидаги бурчимизни унутмаслигимиз, беҳуда аюҳаннос солмаслигимиз керак. Мен депутат этиб сайланган кунимдан бери бу ҳақда жиддий ўйлаб юрибман. Шундай қонунлар қабул қилишимиз лозимки, у нафақат бизга, балки келажак авлодларимизга ҳам наф етказсин. Токи улар ҳам биз сингари боши берк кўчага кириб қолмасинлар.

— Республикамиз олий ҳокимияти органи аъзоси сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақият тилаймиз.

— Раҳмат.

Суҳбатдош:
Т. АБДУРАҲМОНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Победителю

Чортоқ районидаги Ҳурмат орденли «Октябрь» колхози деҳқонлари жорий йилда 890 гектар майдонга чигит қадашади, 400 гектар ерда эса озуқа экинлари етиштирадилар. Улар пахтадан ҳам, озуқа экинларидан ҳам мўл ҳосил олишни дилларига тугиб қўйишган.

Хўжаликда қишлоқ хўжалиги машиналарини пухта, сифатли созлашга алоҳида эътибор берилаётир. Шу кунга қадар барча экиш техникаси мавсумга тахт қилиб қўйилди.

СУРАТДА: колхоз партия ташкилотининг котиби Ҳабибулло Азимов (чапда) ўзаро беллашув ғолиби созловчи Алишер Тошпўлатовга кўчма вимпел топшираётир.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КОМПЬЮТЕР— ҚИШЛОҚҚА

Дўстлик районининг аграрчи мутахассислари информатика, ҳисоблаш техникаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини компьютерлаштириш асослари курсида ўқиб чиқдилар. Ўқиш район партия комитети ва район агросаноат бирлашмасининг ташаббуси билан агросаноат комплекси бошқаруви республика олий мактабида ташкил қилинган эди.

Тингловчилар икки ой мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши план-иқтисодий масалаларини ҳал этишда зарур бўлган замонавий ахборот технологияси, алгоритм тиллари, маълумотлар базасини шахсий компьютерлар билан бошқариш системалари соҳасидаги назарий билимларни жадал режимда эгалладилар.

Амалий машғулотлар республика олий мактабининг Тошкент областидаги база хўжаликлари бўлмиш колхоз ва совхозларда ўтказилди.

Ҳозир «информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси ўз база хўжаликларида ходимларни ўқитиш билан бир вақтда ҳисоблаш техникаси воситаларини жорий этиш жараёнини уюштирмоқда. Кафедра мутахассислари ҳисоблаш техникасини сотиб олиш, шахсий компьютерларни программа билан таъминлаш ва амалий программалар мажмуини ишлаб чиқишга ҳам ёрдам беришмоқда.

(ЎзТАГ).

ИЖАРА ЙЎЛИДАН

Ер эгасини топди

Балиқчи районида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш бутунлай ижарачилар ихтиёрига берилди. Ҳозир районда 9750 нафардан кўпроқ ижарачи бор.

— Ер ижарага берилгандагина у ўзининг ҳақиқий эгасини топади, — дейди ишонч билан ишчилар, деҳқонлар ва инженер-техник ходимлар вакиллари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчиси, Горький номли совхоз ижарачи коллективининг раҳбари Маҳмудали Қирғизов. — Юртдошларимизни бир мавсумнинг ўзидаёқ деҳқончиликда ижара қандай афзалликка эга эканлигига ишонтира олдик. Ўтган йили совхоз бизга 171 гектар ёмонроқ ерни ажратиб берган эди. Бу ерни 14 нафар ижарачига бўлиб бердик. Ўтган мавсумда коллектив пудрат усулида ишлаганимизда йўл қўйган хатоларимизни биргаликда таҳлил қилдик. Ҳар бир киши тўла мустақилликка эга бўлади, аввалгидек ҳеч қандай тенгликка йўл қўйилмайди, деган қарорга келдик.

Деҳқонларга тўла мустақиллик берилди. Уларнинг ҳар бири тажрибасига суянган ҳолда ишлайдиган вақтларини, ўсимликларни парваришлаш йўлларини, ҳосилни йиғиб олиш усулларини белгилади. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Пахта экиладиган ҳар гектар ернинг унумдорлиги планга кўра 3 центнер кўпайиши керак эди. Лекин гектар бошига пахтадан қарийб 5 центнердан қўшимча ҳосил олинди. Баъзиларда ҳосилдорлик 40 центнердан ҳам ошиб кетди. Шундай қилиб, коллектив йил охирида қарийб 130 минг сўм соф фойда олди.

Ижара усулига қарши бўлган кишиларнинг рўкач қилаётган энг катта баҳоналаридан бирини бу ерда рад этишди. Ижара мухолифлари ижарачи оила аъзолари билан коллективдан ажраб қолади, деган фикрни айтишади. Бу коллективда эса ҳамма учун битта дала шийпони қуриб, уни жиҳозлаб олишди. Боғ, узумзор барпо этишди, сабзавот етиштира бошлашди. Қовун ва тарвуздан яхши ҳосил олинди. Ортиқчасини сотдилар ва барча деҳқонлар учун бепул иссиқ тушлик овқат ташкил этдилар.

Ижарачиларнинг паррандачилик фермаси ҳам бор. Ўтган йили 6 мингга яқин жўжани боқдилар ва 7,5 минг сўм фойда олдилар. Сув ҳавзалари ва ариқ бўйларида етиштирилган қовоқлар бозорда харидоргир бўлди. Ишлаб топилган пулга янги мавсумда зарур асбоб-ускуналар сотиб олишади.

Балиқчи районида бундай коллективлар анчагина. Чунончи, ўтган йили бу ерда 15375 гектар ерга пахта экилганди. Ана шунинг 10720 гектарида райондаги ўн учта колхоз ва битта совхоз ижарачилари ишладилар. Улар бундай ишнинг афзаллигини тўла исботладилар. Январь ойида қолган ерлар ижарага тарқатилганлиги фикримизни исботлайди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

«ДУРАДГОР»

«Дурадгор» кооперативи ишлаб чиқараётган ёғоч-тахта буюмлари арзонлиги, сифатининг яхшилиги сабабли Янгиқўрғон районидаги Заркент қишлоғи аҳолисига ғоят мақбул бўлмоқда. Кооператорга дурадгорликни касб-ҳунар қилиб олган кишилар ва ҳаваскорлар аъзо бўлишди. Баъзилар бу иш билан мунтазам шуғулланишади, баъзилар эса кооперативга бўш вақтларида келишади. Улар дераза ва эшик ромлари, плинтуслар ва шунга ўхшаш бошқа дурадгорлик ашёларини тайёрлашади. Меҳнатни яхши ташкил этиш, жараёнларни механизациялаш маҳсулотлар таннархининг камайишига таъсир қилмоқда. Бу эса қишлоқлардаги уй қурувчилар учун фойдали бўлмоқда.

ОЁҚ ОСТИДА НИМА БОР?

Машҳур чех ёзувчиси Карел Чапек: «Инсонлар доимо осмонга қараб, осмонимиз мусаффо ва соф бўлсин дейдилар-у, ҳеч вақт ўз оёқлари остида нима борлигини ўйламайдилар, ҳеч қачон она-еримиз, ҳосилдор тупроғимиз омон бўлсин деб баралла айтмайдилар», — деган эди. Дарҳақиқат, биз тупроқ тўғрисида, унинг борлиқдаги энг бебаҳо мезон эканлиги хусусида жуда кам фикр юритамиз. Ваҳоланки, буюк рус олими В. В. Докучаев ўтган асрдаёқ ҳосилдор ерларимиз, она тупроғимиз олтиндан, нефтдан, кўмир ва бошқа қазилма бойликлардан ҳам қимматлироқлигини таъкидлаб ўтган эди. Аслида кишилик жамияти олтинсиз яшаши мумкин. Ҳосилдор тупроқларимиз-чи? У инсоният учун, тирик мавжудот учун бирдан-бир яшаш манбаи ва ягона имкондир. Тупроқ ва унинг унумдорлиги оқибатида етиштирилган маҳсулот нафақат инсонни, балки бутун ҳайвонот дунёси ва паррандаларни боқади.

Юқорида санаб ўтилган табиат бойликлари кишилик жамияти учун зарур, албатта. Лекин уларнинг барчаси тупроқ ва унинг маҳсули — хом ашё ўрнини боса олмайди. Хўш, кишилик жамиятини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак хом ашёси билан таъминлайдиган тупроғимизнинг аҳволи қай ҳолатда? Ундан фойдаланиш, сақлаш, ҳосилдорлигини ошириш йўлида биз, истеъмолчилар қандай ишларни амалга ошираяпмиз?

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ҳар бир кишини етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, сут, нон, сабзавот ва мева) билан таъминлаш учун 0,5 гектар ер керак. Яна уни кийинтириш, ҳозирги кун талаблари даражасида керакли буюмлар билан баҳраманд этишга шунча майдон лозим. Ана шундагина унинг жамиятнинг ҳамма эҳсонларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Ҳозир СССР бўйича жон бошига 0,80 гектар ҳайдаладиган ер тўғри келади. Бу кўпми ёки оз? Албатта, кам. Энг ташвишлиси шуки, бу кўрсаткич йилдан-йилга камайиб кетаяпти. Бунга сабаб фақат мамлакатимиз аҳолисининг кўпайиб бориши эмас, балки кўплаб гектар ҳосилдор замин ҳисобига шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналари, йўллар қурилиши, тупроқ эрозияси ва шўрланиши натижасида ернинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишидир.

Мамлакатимизда ҳар йили шаҳарларни кенгайтириш, газ-нефть қувурларини ўтказиш, йўллар қурилиши, дам олиш зоналари барпо этишга 50—60 минг гектар ер ажратилмоқда. Суғориладиган ноҳияларда эса фақат ирригация (суғориш) эрозияси натижасида минглаб гектар майдоннинг ҳосилдорлиги пасайиб кетаяпти. Катта-катта пайкаллар жарликка айланиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланишда яроқсиз ҳолга келмоқда. Республикамизнинг ўзида сув ҳамда шамол эрозияси оқибатида йилига 250—300 минг тонна пахта йўқотилмоқда. Чунки бундай талафотлар туфайли далаларга солинаётган минерал ўғитларнинг 30—40 фоизи сув билан оқиб, шамол таъсирида учиб кетади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ирригацион эрозиядан келаётган зарар жуда каттадир. Турғунлик йилларида пахта майдонларини кенгайтириш нафақат чўл районлари, балки Андижон, Наманган, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областларида паст-баланд адирларни ўзлаштириш ҳисобига ҳам амалга оширилди. Бу ўз навбатида, шунингдек қия ерларни суғориш мобайнида ирригация эрозиясининг янада кенгроқ ҳудудда тарқалишига олиб келди.

Ирригацион эрозиядан кўриладиган зарарнинг ҳажмини яхшироқ тасаввур этиш учун қуйидаги мисолга назар ташлаш мақсадга мувофиқ: республикамизда суғориладиган майдоннинг қарийб 600—700 минг гектарини ҳар хил паст-баланд, нишоблиги бир даражадан ортиқ ерлар ташкил этади. Бундай пайкаллар эҳтиётсизлик билан суғорилганда гектар ҳисобига 100—150 тонна чириндига бой тупроқнинг устки унумдор қисми ювилиб, оқиб кетади. Бу — ҳар гектар картада 500—800 килограмм гумус, 100 килограмм соф азот, шунча килограммдан зиёд фосфор йўқотилди дегани. Энди унинг инсониятга қанчалик зарар етказаётганлигини қиёслаб кўрайлик. Маълумки, ҳар хўжаликда ўртача 2000 гектар ерда деҳқончилик қилинади. Шу майдоннинг 400 гектари ҳар хил паст-баланд, қия ерларга тўғри келади. Агар у эҳтиётсизлик билан суғорилган тақдирда бир мавсумда 40 минг тонна устки ҳайдалма унумдор тупроқ ювилиб кетади.

МУАММО КЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛАДИ

Етказилган зарарни қоплаш учун хўжалик ҳар йили 400 гектар майдонга гектар ҳисобида 20—25 тоннадан гўнг солиши керак. Хўш, шунча миқдордаги нури колхозда борми? Агар бўлса, уни тўплаш, далага олиб чиқиш учун транспорт етарлими? Бу юмушларни бажаришга қанча маблағ сарфланади?

Ана шу муаммолар ҳал этилди, дейлик. Лекин барибир тупроқ унумдорлиги асли ҳолига келмайди. Суғорма деҳқончилик ерларида оқова ва ташландиқ сувларни эҳтиёт чораларисиз тўғридан-тўғри сойлик ҳамда жарликларга ташлаб юбориш оқибатида экин майдони ҳисобига жарликлар кескин кенгайиб кетади. Яна шуни таъкидлаш керакки, жарланиш натижасида ҳосилдор майдонлар, катта массивлар майда бўлакларга бўлиниб, экинга ишлов бериш қийинлашади, техника воситаларининг иш унуми пасаяди. Агар бир гектар суғориладиган пайкал маҳсулот етиштириш жиҳатидан 10—12 гектар лалми ерга баробар келиши ҳисобга олинса, экин майдони ҳисобига жарликларнинг кенгайишидан кишилик жамиятига етказиладиган зарар янада яққол намоён бўлади.

Бунинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Биринчи навбатда катта қияликларни ўзлаштиришга чек қўйиш, бундай ерда асосан боғдорчиликни ривожлантириш, озуқабоп экинлар экиш тавсия этилади. Қатор ораларига сувталаб пахта, маккажўхори, лавлаги ва бошқа экинлар экишни тақиқлаш лозим. Жар ерларга ҳар йили гектар ҳисобига 30—40 тоннадан гўнг солиш, шу тариқа қайтадан қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш мақсадга мувофиқ.

Бутун дунёдаги ҳайдаладиган ернинг деярли тўртдан бир қисми (225—227 миллион гектар) бизнинг мамлакатимизда бўлса-да, нима учун СССРда озиқ-овқат муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаган, деган савол барчани қизиқтиради. Аҳоли жон бошига гўшт етиштириш бўйича Совет Иттифоқи жаҳонда охирги ўринларда туради. Йилига 200 миллион тонна, баъзи йилларда ундан ҳам кўп дон етиштираётган буюк Советлар мамлакати нима учун Америка Қўшма Штатлари, Канада ва бошқа давлатлардан олтин ҳисобида дон сотиб олмоқда? Ваҳоланки, ривожланаётган мамлакатлар, хусусан бир миллиарддан ортиқ аҳолиси бўлган Хитой Халқ Республикаси, 800 миллион аҳоли яшайдиган Ҳиндистон ҳам ҳозир ўзини дон маҳсулотлари билан таъминламоқда. Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигини биз кўпинча АҚШ қишлоқ хўжалиги билан қиёслаймиз. Чунки бу давлатда йилига 300 миллион тоннадан кўпроқ дон етиштирилмоқда, аҳоли жон бошига 120 килограммдан зиёд гўшт тайёрланмоқда. Бунинг сабаби нимада? Аввало, СССРда меҳнат унумдорлиги даражаси паст. Америка Қўшма Штатлари қишлоқ хўжалигида, масалан, меҳнат унумдорлиги 100 фоиз деб қабул қилсак, бизда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этади. Меҳнат унумдорлиги албатта бошқа омилларга, жумладан иқлим шароитига ҳам боғлиқ. Масалан, бизда ўртача йиллик ҳарорат 5 даражадан паст майдонлар 60 фоизни ташкил этади. АҚШда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 10 фоиздан иборат.

Экинлардан муттасил юқори ҳосил олишнинг табиий омилларидан бири йиллик ёғингарчилик миқдоридир. 400 миллиметрдан кам бўлган майдон СССРда 40, АҚШда 10 фоизга баробар. Аслида бу миқдор 70 миллиметрдан ортиқ бўлгани афзал. Шундай ерлар АҚШда 60, Совет Иттифоқида эса 2—3 фоизни ташкил этади, холос. Буни Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон шароитига қиёсласак, гарчи йиллик ҳарорат юқори бўлса-да ёғингарчилик камлиги англашилади. Шу боис кун, ҳатто соат сайин сон жиҳатидан ўсиб бораётган совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарлича, жилла бўлмаса ривожланган мамлакатлар даражасида таъминлаш учун аввало тупроқ самарадорлигини муттасил ошириб бориш, экинларга солинадиган органик ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини орттириш, ишни интенсив технология асосида юритиш, алмашлаб экишни тўлиқ жорий этиш лозим. Бу вазифаларни бажариш учун деҳқоннинг ерга бўлган меҳрини янгартиб, унинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш шарт. Она-еримиздан шундай фойдаланайликки, у ҳам бизнинг ҳаётимизни фаровон, дастурхонимизни тўкин қилсин, ҳам фарзандларимизнинг ризқ-рўзи бутун қолишини таъминласин. Чунки тупроқ ва унинг унумдорлиги нафақат ҳозирги, балки келажак авлоднинг мулкидир.

М. НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик институтининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди.

Т. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети меҳнатни ташкил этиш марказининг агроном-иқтисодчиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

«Москва» совхози Боғдод районидаги илғор хўжаликлардан. Ўтган йили пахта, мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда коллектив катта натижаларга эришди. Бунда инженер-ирригатор Рустамжон Қодировнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳамқишлоқлари Рустамжонга юксак ишонч билдириб, уни район Советига депутат этиб сайлашди.

СУРАТДА: Р. Қодиров.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҒАМХЎРЛИК

Шаҳрихон ипак тўқиш фабрикасида меҳнат унумдорлигини реал ошириш корхона ҳовлисида оддий новвойхона қурилишига қараб қолган экан...

— Корхонада сўраб билиш ўтказилганида унда ишловчи юзлаб аёллар айни шуни таъкидладилар, —дейди фабрика касаба союз комитетининг раиси А. Юсупов. — Ҳақиқатан қайси бир аёл ишдан қайтишда уйга иссиққина тандир нон олиб кетишни истамайди дейсиз? Буни ҳамма хоҳлайди, чунки кечаси янги ёпилган нонни қаердан ҳам топиб бўларди? Касаба союз комитети бу қурилиш учун керак бўлган манбаънинг бир қисмини ажратди, бир қисмини маъмурият қўшди, шу тариқа ходимларнинг яна бир маиший муаммоси ҳал этилди. Энди эса истовчилар ёки нон буюришади, ёхуд тайёрини сотиб олишади. Бунда вақт тежалади, одамлар иш вақтида нон қидириб овора бўлишмайди.

Новвойхона — меҳнаткашлар учун маиший қулайликларни таъминловчи янги қуриладиган бинолар комплексининг бири, холос. Фабрика территориясида хўжалик усулида 160 ўринли ошхона, 40 ўринли кафетерий, ёзги чойхона, сауна қурилган. саунада бассейн ва буфет бўлиб, у ерда доим иссиқ чой ва пишириқлар бўлади. Ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида дам олиш хоналари очилган.

Фабрика касаба союз ташкилоти озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда ҳам кўмаклашаяпти. Шанбаликлардан бирида ахлатдан тозаланган ялангликда теплицаларнинг биринчи навбати бунёд этилди. Бу ердан ўтган йили қарийб беш тонна помидор, бодринг ва кўкатлар териб олинди. Бу витаминли маҳсулот уччала сменада ишловчи ишчиларнинг, фабрикага қарашли болалар боғчасининг дастурхонини бойитди. Ҳосилнинг қолган қисми фабрика ходимларига сотилди. Ҳозир теплицаларнинг иккинчи навбати қуриб битказилаяпти.

Фабрика эшиги ёнида саноат ва озиқ-овқат моллари магазинлари ишлаб турибди.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Янгиер аҳолиси дўконларда дудланган колбасаларни кўриб, ниҳоятда ажабланишди. Чунки улар анчадан бери мўлкўлчилик нималигини билишмасди. Бунинг устига колбасанинг нархи матлубот кооперацияси белгилаб берганидан ҳам анча арзон эди.

Бу «Ўзбекистон» савдо-агросаноат бирлашмасида қудратли колбаса цехи ишга туширилганлигининг натижаси бўлди. Цех ўзининг хом ашё базасига эга ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Уч йил ичида қаддини ростлаб олган ёрдамчи хўжалик йилига 80 тонна чўчқа гўшти етказиб беради. Цехда бир неча навдаги колбасалардан ташқари сосискалар, дудланган тўш, шунга ўхшаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришади. Кейинчалик маҳсулот хиллари янада кўпаяди.

Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни ҳам мўлжаллашмоқда. Цехнинг қуввати бунга имкон беради. Ўшанда областнинг бошқа районларини таъминлашга ҳам маҳсулот етиб ортади. Бироқ энг аввало хом ашё базасини мустаҳкамлаш керак. Шу сабабдан ҳозир бирлашмада хўжаликлар билан ўзаро фойдали шартномалар тузишга тайёрланишмоқда.

Заводда тайёрланган қўзиқоринлар

Урганч пахта тозалаш заводи маҳсулотнинг янги тури — қўзиқоринлар етказиб бера бошлади.

Дастлаб Вешенка ва Флорида қўзиқоринларини заводдаги маъмурий-маиший бинонинг кенг ертўласида етиштириб кўришди. Маълум бўлишича, бу маҳсулотнинг таъми шампиньонларникидан қолишмас экан. Қўзиқорин етиштириш катта харажат талаб қилмади. Заводда уларни етиштиришда толани қайта ишлашдан чиққан чиқиндилар ва яроқсиз хом ашёдан фойдаланиляпти.

Урганч пахтачилари қўзиқорин етиштириш тажрибасини Фарғона пахта заводидаги ҳамкасбларидан ўргандилар. Энди бу ерда қўзиқоринлар махсус қурилган биноларда ўстирилаяпти.

(ЎзТАГ).

АНЪАНАГА САДОҚАТ

Йиллар ва одамлар

Жиззах областидаги «Ударник» совхозида бўлганмисиз? Шу сатрларнинг муаллифи ўтган йилнинг охирги кунларида ана шу хўжаликнинг 60 йиллик тўйида иштирок этганди. Мана карнай-сурнай садолари тинганига анча бўлди-ю лекин совхоз азаматлари босиб ўтган шонли йўл, айниқса бугунги камолот онларидан олинган завқ дилни тарк этмаяпти.

Яқинда республика «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашида «Ударник» совхози директори Раҳмонқул Тошбеков билан шу хусусда гаплашиб қолдик. Мен бой анъаналар яратган хўжалик марди майдонлари ҳақида «Қишлоқ ҳақиқати» муштарийларига ҳикоя қилиш истагим борлигини айтгандим. Директор шундай деди: «Ундай бўлса фақат қадоқ қўлли меҳнаткашларимиз ҳақида ёзинг».

Бу гап менга маъқул тушди.

1929 йилда бутун мамлакатни қамраб олган шижоатли меҳнатга қўшилган янги хўжалик ишчилари ўз номларига монанд зарбдорчасига тер тўкдилар. Чунки улар оддий ишчилармас, балки ўша даврнинг жанговарлигини ўзида ифода этган машҳур «Будёновка» қалпоғини кийган собиқ қизил аскарлар эдилар. Фарғона водийси, Ҳисор тоғ ёнбағирларида, Амударё ҳавзасида уя қурган босмачи галаларини тор-мор келтирган отлиқ қизил қўшин сафида чиниқиб қайтган турли миллат вакиллари эндиликда тинч меҳнат жангчилари эдилар. Жанговар бурчларини адо этиб қайтгач, хўжалик далаларида ҳам фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Улар сафига якка ҳолда тирикчилик қилиб юрган, бир парчагина ердан рўзғорни базўр тебратадиган деҳқонлар ҳам қўшилдилар.

Мамлакатни саноатлаштириш ўзининг илк самараларини бера бошлади, бирин-кетин совет трактор ва комбайнлари келди. Бу эса тезлик билан механизатор кадрлар тайёрлашни тақозо этарди. Ўша пайтда дастлабки машина-трактор станцияси (МТС) ташкил этилган бўлиб, унинг қошида курслар очилди.

Совхоз ишлаб чиқаришини юксалтириш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялаш, дастлабки беш йилликнинг улуғвор вазифаларини бажаришга сафарбар этишда МТС қошидаги сиёсий бўлим муҳим роль ўйнади. Ўттизинчи йилларда бу бўлимни ажойиб ташкилотчи ва нотиқ, талабчан ва меҳрибон коммунист Иван Степанюк бошқарди, илк партия ячейкалари ана шу тиниб-тинчимас инсоннинг раҳбарлигида тузилди.

Хўжалик меҳнаткашлари учун уруш йиллари жанговар синов, қаҳрамонона меҳнат даври бўлди. Фронт ортини мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги учун немис-фашист босқинчиларига қарши курашаётган совет жангчиларини, йирик саноат шаҳарларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш осон эмасди.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари хўжалик учун чинакам юксалиш йиллари бўлди. Эллигинчи йилларда кам қувватли колхозларнинг йириклаштирилиши ҳисобига совхоз ғаллазорлари ҳозирги Жанубий Мирзачўл каналидан то Моргузар тоғ тизмаларининг этакларигача чўзилди. Ҳосилдорлик об-ҳаво қулай келган йилларда 16—22 центнергача юксалди.

1989 хўжалик йили чорвадорлар учун янги зафарлар йили бўлди. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки бу соҳадаги барча йиллик планлар муваффақиятли бажарилди. Жумладан, қорамоллар бош сонини кўпайтириш 108 фоиз адо этилди, чўчқалар бош сони 14,2 минг ўрнига 14,6 мингтага етказилди. Планда белгиланган 1086 тонна ўрнига 1300 тонна гўшт етиштирилди, минг тоннадан зиёд сут соғиб олинди, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш соҳасидаги планлар барча турлари бўйича бажарилди.

Ҳар юз сигирдан 86 бошдан, жами 470 та бузоқ ва 11400 та чўчқа боласи олинди. Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут миқдори 2500 килограммга, бўрдоқига боқилаётган қорамолларнинг бир кеча-кундузда семириши 581 граммга, чўчқаларда эса 431 граммга етказилди. Бу пландагидан анча юқори. Шу ютуқларнинг самараси сифатида хўжалик йилни 800 минг сўм фойда билан якунлади.

Бу ютуқлар эл фаровонлигини ошириш, дастурхонини тўкин этиш йўлида ҳормай-толмай тер тўкаётган чорвадор ва деҳқонлар фидокорона меҳнатининг самарасидир. Шунинг учун ҳам чорвачилик бригадаларининг моҳир етакчилари Қўлдош Асқаров, Раим Бекмирзаев, Карим Тошбековнинг, пешқадам чўчқабоқарлар — Жавҳар Хубаева, Ўрол Алиев, Надежда Петухова, Галина Асадуллина, Валентин Клецер, Галина Ким, Иноят Муртазоев, бўрдоқибоқарлар Турғун Човганов, Ўрозгул Мирзабекова, Заркумуш Эргашеванинг номларини фахр ва ифтихор туйғулари билан тилга оламиз.

Чорвачиликнинг равнақи мустаҳкам озуқа базаси билан, демак, деҳқончилик билан чамбарчас боғланган. Хўжалик деҳқонлари эса бу соҳани механизацияга таянган ҳолда ривожлантиришаётир. Яъни, чорвадорлар қўлга киритган ютуқларда деҳқонлар, механизатор, шофёр, қурувчи, ремонтчи ва бошқаларнинг катта улушлари бор. Айниқса, С. Сайдаматов, М. Саидов, Б. Бойзоқов, М. Абдураззоқов каби тракторчилар, Н. Наумов, Р. Донабоев, Ў. Зокиров, И. Номозов, Ю. Жалилов, З. Хонсеваров каби шофёрлар, К. Иброҳимов, З. Абдурашидов, С. Қодирбердиев, Т. Нуралиев, М. Сулаймонов, А. Қоражонов сингари ремонтчи-слесарь ва бошқа хизматчилар чорвадорларнинг оғирини енгил, мушкулини осон этишга баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда совхознинг ишчи-хизматчилари асосий шарт-шароитларга эга бўлган посёлкада яшаяпмиз, дейишга тўла ҳақлидирлар. Чунки аҳолига 20 дан ортиқ савдо дўконлари, маиший хизмат уйи, участка марказий касалхонаси, дорихона, клуб, 3 та кутубхона, чойхона, колхоз бозори ва бошқа маданий-маиший объектлар хизмат қилмоқда. Хўжаликдаги давлат секторига тегишли барча уйлар, хусусан хонадонларнинг ярмидан кўпи табиий газдан баҳраманд этилди, тоза ичимли сув билан таъминланган. Ҳамма хонадон электр ва радиолаштирилган. Меҳнаткашларнинг фарзандлари «Олтин бошоқ» болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб ҳамда 2 қишлоқ ҳунар-техника билим юрти бағрида таълим-тарбия олмоқдалар. Янги, замонавий минг ўринли мактаб биноси эрта-индин иш бошлайди.

Чорвачилик биноларини ремонтдан чиқариш, кенгайтириш, замонавий усулда жиҳозлаш ҳар доим диққат-эътиборда.

Уй-жой муаммосини ҳал этишга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Совхознинг янги посёлкасини қуриш авж олдириб юборилган. Дастлабки 8 та коттеж типидаги уй битказилиб, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларига берилди. Шахсий иморат қурувчилар учун 86 та томорқа ажратилди. Посёлка кўчаларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш соҳасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Совхоз аҳолисининг моддий фаровонлиги ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Енгил автомашина, мотоцикл, рангли телевизор, холодильниклар юзлаб хонадонларнинг кўрки бўлиб қолди. Халқнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида ҳам изчил иш олиб борилмоқда. Совхознинг суғориладиган далаларидан олинган 38 тонна картошка, 40 тонна пиёз, 40 тонна сабзи, 25 тонна полиз маҳсулотлари меҳнаткашларга энг арзон нархда сотилди.

Ҳозирги кунда совхоз ишчиларининг бутун диққат-эътибори хўжаликни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ижара пудратини жорий этиш ҳисобига мўл ва арзон маҳсулот етиштиришга қаратилган. Чорва қишлови муваффақиятли якунланмоқда, дала ишлари изчиллик билан амалга оширилаяпти. Хуллас, бой анъаналар заминига таянган «Ударник» совхози зарбдорлари КПСС XXVIII съездини ёруғ юз билан кутиб олишга чоғланишган.

Т. ҒАНИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

НАШИДА

— «Правда Востока» колхози идораси ёнида жойлашган иссиқхонада бўлганмисиз? — сўраб қолди ҳамроҳим, колхоз музейининг мудири Аъзамхон ака.

— Колхозда кўп бўлганман-у, лекин...

— Бир кўринг. Ойнаванд ромлар тагида лимонлар ғарқ пишиб ётибди.

Ҳамроҳим йўл бошлади. Иссиқхона эшигини очиб ичкарига мўраладик.

— Тўланбой шу ерда экан, — деди Аъзамхон ака.

Лимонзор юмушлари билан банд бўлган Тўланбой Абдуллаев билан кўришдик. Иссиқхонада чиндан ҳам лимонлар ипга тизилган шода марвариддай товланиб турарди.

— Иссиқлик етарли бўлса, гўнг, сув вақтида бериб турилса бас, ғуж-ғуж ҳосил тугавераркан, — деди Т. Абдуллаев. — 1988 йилда 18 сотих ердан 3.357 килограмм ҳосил олган эдик. 1989 йилда ҳам 3000 килограммдан ошди. Ҳали қўл урилмаган туплар турибди. Лимонзордан ҳар йили ўн минг сўмдан зиёд даромад олаяпмиз.

— Бир туп лимон дарахти неча дона мева бериши мумкин?

— Бу унинг катта-кичиклигига боғлиқ, — жавоб қилди соҳибкор. — 4—5 ёшли дарахт 50—70 дона, 9—10 ёшдагиси 120—150 дона мева бериши мумкин. Ҳосил 150—170 кунда пишади. Мевасини териб олгандан кейин дарахтни чеканка қиламиз. Кейин улар тагини ковлаб, гўнг соламиз. Қишда бир марта суғорилади. Ёз фаслида эса ҳар ойда икки мартадан суғориш зарур.

Мен шу пайт соҳибкорнинг чеҳрасига назар ташладим. У ҳосилини кўтара олмай қуйи эгилган лимон шохларига завқ-шавқ билан тикилар, ўз меҳнати нашидасидан мамнун эди.

Т. КОМИЛОВ.
Ленин райони.

ТЕКШИРИЛДИ, ЧОРА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети инспекциялари томонидан ўтган йили 844 та химизация объектлари — минерал ўғитлар ва заҳарли дорилар сақланадиган омборлар текширишдан ўтказилди. Нохуш манзарага дуч келинди: барча кимёвий дорилар бунга яроқсиз биноларда ёки очиқ майдончаларда сақланади.

Текшириш пайтида кимёвий моддаларни ташиш, улардан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Муҳофаза зоналари йўқ, ҳисоб-китоб ўз ҳолига ташлаб қўйилган, назорат қилинмайди. Хўжаликлардаги омборларда, қишлоқ хўжалиги аэродромларида заҳарли моддаларни сақлашда тартиб ва қоидалар бузилмоқда. Фойдаланилмай ёки ортиб қолган дориларни кўмиш учун махсус жиҳозланган жойлар йўқ.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг инспекциялари омборларни типовой қилиб қайта жиҳозлаш устидан қатъий назорат ўрнатди. Афсуски, иш ўта суст бормоқда. Таъқиқланган моддаларни қайта ишлаб, фойдаланиш масаласи ҳалига қадар ҳал этилгани йўқ.

* * *

Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ҳавони ифлослантиришнинг йирик манбаи ҳисобланади. Ундан кўтарилган газлар республикадаги барча чиқиндиларининг 12 фоизини ташкил этади.

Кислород-машъалада эритишнинг иккинчи навбатини ишга тушириш чиқиндиларни, асосан олтингугурт двуокисини юз минг тоннага қадар камайтириш йўлида ташланадиган катта қадамдир. Бироқ бу иншоотнинг қурилиши мана 15 йилдан буён судралмоқда. Келгуси беш йилликда тугашига ҳам умид йўқ. Аслида уни 1990 йилда ишга тушириш режалаштирилган эди. Аммо барча муддатлар барбод қилинди.

* * *

Даволаш муассасаларидан чиқадиган оқавалар одамлар саломатлиги учун ниҳоятда хавфлидир. Шунга қарамасдан ўтган йили уларнинг сув юзасини булғаганлиги бир неча бор маълум бўлди. Аҳоли учун хавф туғдирадиган жойлар аниқланди. Масалан, Самарқанд область Паст Дарғом, Андижон область Избоскан район марказий касалхоналаридан чиқадиган оқавалар саломатлик учун хатарли эканлиги текширишда аён бўлган. Медиклар бунга хлор оҳаги йўқлигини рўкач қиладилар. Тўғри, бу модда сувни зарарсизлантиради. Аммо унинг йўқлиги оқибатида оқин сувлар ифлосланмоқда.

* * *

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш даврида чиқиндилар кўп қолади. Республика бўйича улар бир миллиард тоннани ташкил этади. Улар анчагина майдонларни банд этади. Ер фонди етишмаётган ҳозирги кунда бу ҳол мушкулликларни келтириб чиқармоқда. Тоғ металлургия саноати қолдиқларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаётир. 40 миллион тонна чиқиндиларнинг бор-йўғи ярим миллион тоннаси ёки 1,2 фоизи қайта ишланаётгани бунинг далилидир. Ҳолбуки, зарар келтираётган, яроқсиз деб ҳисобланган нарсалардан омилкорлик билан фойдаланилса наф кўриш мумкин эди. Афсуски, республиканинг кўпгина илмий-тадқиқот институтларида бу муҳим масалани ҳал этишга журъат қилинмаяпти.

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг матбуот маркази.

Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз чорвадорлари 1990 йилнинг дастлабки икки ойини муваффақиятли якунладилар. Гўшт ва сут етиштиришда белгиланганига нисбатан анча илдам суръатларга эришилди. Бу ютуқларда моҳир чорвадорлар — район Совети депутати Бўтакўз Холдорбекова (чапда) ва унинг шогирди Гули Шайбергенованинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу сигирсоғарлар қарамоғида 28 бошдан сигир бор. Улар ҳар говмишдан пландагига нисбатан 100 килограммдан кўп сут соғишга аҳд қилишган.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

Совет
Иттифоқидир
бизнинг
Ватанимиз

ЛЕНИНГРАД. Областдаги «Виборжец» совхозининг сабзавоткорлари теплицаларда табиат имкониятларини технологик янгиликлар билан тўлдириб, қишнинг занф қуёши нурларидан фойдаландилар. Украиналик агрофизикларнинг лойиҳаси билан бу ерда илгари қозонхоналарнинг мўрнларидан ҳавога чиқариб юборилган тутунни ҳосил учун «ишлаш»га мажбур қилдилар. Энди бу тутун оқими тозаланиб, сараланганидан кейин карбонат ангидрид гази ўсимликлар озиқланиши учун қўшимча модда сифатида теплицаларга йўналтирилаяпти. Коллектив микроиқлимни компьютер ёрдамида бошқариш тажрибасини жорий этди ва синовдан ўтказди. ЭҲМнинг буйруқлари билан ўсимликлар учун тайёрланган озуқа аралашмалари нитрат ва нитрит моддалари билан ҳаддан зиёд тўйинишга йўл қўймайдиган қилиб теплицаларга йўлланади. «Виборжец» бу йили қарийб ўн минг тонна эртаги сабзавот сотади.

* * *

МОСКВА. Пойтахтдаги «Керамика» бирлашмасининг мутахассислари қадимги усталарнинг ҳозир унутилиб кетган маҳорат сирларини очдилар. Улар тайёрлай бошлаган маҳсулот ўзининг мустаҳкамлиги ва чиройи билан кўҳна меъморчиликнинг кўпгина ёдгорликларини безаб турган кошинлардан қолишмайди. «Волна», «Пряник», «Кирпичик» ва бошқача номлар билан аталган кошинлардан Москвадаги «Измайлово», «Заря», «Останкино», «Будапешт» туристик-меҳмонхона марказларини безатишда фойдаланилди. Корхона ҳар ойда 120 мингта кошин ишлаб чиқараяпти. Юксак бадиийликка эга бўлган «Зеркальце» ва «Павлин» номли янги хил кошинлар тайёрлашни ўзлаштириш тугалланаяпти.

* * *

УРГАНЧ. Бу ерда рус ва ўзбек тилларида чиқа бошлаган хабарнома «Ҳуқуқ-тартибот учун» деб номланди. Уни Ўзбекистоннинг Хоразм область жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитети нашр қилаяпти. Нашрнинг дастлабки сонида областда қонунбузарликларга қарши курашга қаратилган ҳуқуқий тарбия ва жиноятларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, ёшлар орасидаги тарбиявий ишлар ҳақида ҳикоя қилинган.

(ТАСС).

ТИРИК МАРЖОН

Март ойида одатда Ўзбекистон сув ҳавзаларида балиқлар тухум ташлай бошлайди. Балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни етиштириш ҳамда балиқ овини тартибга солиш республика ҳавзалар бошқармасининг илмий-овлаш кенгаши балиқ тухум ташлаш даврида уларни ов қилишни тақиқлаш муддатларини белгилади.

— Бу йил, — дейди «Узбекрибвод» бошлиғи Т. Ш. Алимов, — март ойида Амударё ва Сирдарёда совуқ кутилаётганлиги муносабати билан, табиийки, бундай об-ҳаво шароитида балиқ тухуми етилиши жараёни секинлашади, уларда балиқ овлашни тақиқлаш муддатларини бироз узайтирдик. Шу сабабдан бу дарёларда аввал бўлганидек, 1 мартдан эмас, балки 10 мартдан 10 июнга қадар ҳар қандай балиқ овлаш тақиқланади. Республикамизнинг қолган сув ҳавзаларида балиқ ови 16 апрелдан 31 майгача тақиқланади.

Бундан ташқари, таркибида балиқ етиштирувчи ва илмий ташкилотларнинг вакиллари, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ва балиқларни муҳофаза қилиш идораларининг мутахассислари бўлган илмий-овлаш кенгаши илмий кузатишлар асосида ҳамда назорат тариқасидаги ов вақтида олинган маълумотларга асосланиб, балиқ тухум ташлаш даврида айрим ҳавзаларда ов муддатларини қўшимча равишда кўриб чиқиш ва уни ўзгартиришнигина эмас, айни вақтда анча узоқ муддат давомида балиқларнинг баъзи турлари овланишини чеклаб қўйишни ҳам зарур деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, Шарқий Арнасойда 16 апрелдан 1 июлгача, Қорақалпоғистон ва Хоразм области сув ҳавзаларида 26 апрелдан 10 июнгача балиқ овлаш мумкин эмас. Сирдарёда ва Арнасой кўлларида оққайроқ ва лаққа сингари йиртқич балиқларни 1 мартдан 31 майга қадар ов қилиш тақиқланади. Чунки текширишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, балиқларнинг бу тури ҳам миқдори жиҳатидан, ҳам запаси жиҳатидан жуда оғир аҳволга тушиб қолган.

Чорвоқ сув омборида кўп йиллардан бери гўшти қизил балиқнинг гулмоҳи сингари турларини кўпайтириш ва уларни шу ер иқлимига мослаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Маълумки, балиқларнинг бу турлари Қирғизистондан олиб келинади. Уларнинг анчагинаси ов қилса арзийдиган бўлиб қолди, лекин тўдалари вужудга келгани йўқ. Шу сабабдан бутун йил давомида сув омборида ана шу балиқни овлашни ҳозирча тақиқлаб қўйишга қарор қилинди. Чорвоқ сув омборида балиқларнинг бошқа турларини овлаш 26 апрелдан 31 майга қадар тақиқланган. Тўполон ва Сангардак дарёларида Амударё гулмоҳиларини овлаш 5 сентябрдан 25 октябргача тақиқланади.

Бу йил балиқ тухум ташлаш даврида уларни овлашга оид режалаштирилган тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат. Агар бу шарт-шароитлар аниқ ва ўз вақтида бажарилса, республика дарёлари, кўллари, анҳорлари ва сув ҳавзаларида балиқ запаслари етарли . бўлади. Буни олимлар ва мутахассислар ҳам тасдиқлашмоқда. Натижада ўтган йиллар даражасида балиқ овлаш имконияти туғилади, айни вақтда ҳаваскор балиқчилар ҳам четда қолмайдилар. Илмий-овлаш кенгаши Ўзбекистоннинг айрим сув ҳавзаларида вужудга келган ташвишли экология ҳолатига тааллуқли бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилди.

— Орол фожиасидан сўнг республикамизда балиқ овлашнинг асосий базасига айланган Айдар-Арнасой бир-бирига қўшиладиган ерларнинг эртанги куни тўғрисида қайғуриш керак, — деди Т. Ш. Алимов.—Ушбу сув ҳавзаларида Жиззах балиқчилик комбинатининг йиллик планини 1200 тонна камайтириш юзасидан кенгаш берган тавсияларда худди ана шу ниятимиз ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг очиқ сув ҳавзаларида бу йил умуман 8100 тонна балиқ овланиши керак. Шунинг 3 минг тоннасини Арнасой ва Айдаркўл товар хўжаликлари бериши лозим. Бироқ белгиланган тадбирларга кўра, яқин икки-уч йил ичидагина планда кўзда тутилган балиқни овлаш мумкин, деб ўйлайман. Чунки бу кўллар борган сари кўпроқ минераллашмоқда, ҳамма ерда чўртанбалиқ йўқолиб кетди. Очиғини айтсам, Арнасой кўлларининг келажаги жуда ноаниқ бўлиб қолмоқда. Кўп муаммолар бор. Лекин бу муаммоларни алоҳида, муфассалроқ гаплашиб олишга тўғри келади...

«Узбекрибвод»нинг балиқлар тухум ташлаш даврида балиқ овини тақиқлаш тўғрисидаги ва 1 мартдан кучга кирадиган буйруғи область давлат балиқ назорати идораларига, барча манфаатдор ташкилотлар ва маҳкамаларга юборилди. Буйруққа кўра, белгиланган муддатда давлат балиқ овловчилари сув ҳавзаларидан ов қуролларини олиб чиқиб кетишга, омборхоналарни ёпиб, муҳрлаб қўйишга мажбурдирлар. Шу даврда барча балиқ хўжалиги сув ҳавзаларида моторли қайиқлар ёрдамида ов воситаларидан фойдаланиш ман этилади.

Ушбу буйруқни бузганларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиши ва улар жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилади, албатта. Балиқ муҳофазаси идоралари ходимлари билан жамоатчи балиқ назоратчилари учун қизғин кунлар бошланмоқда. Балиқ тухум ташлаш даврида эҳтиёткорлигини йўқотади, юза ерларда пайдо бўлади ва оқибатини ўйламай, оқилона иш тутмайдиганларнинг ўлжасига айланади. Балиқлар урчийдиган даврда уни енгил даромад манбаига айлантирувчилар ана шундай қилишга интиладилар. Бинобарин, балиқ овлашда ниҳоятда ваҳшиёна усулларни ҳам қўлланадилар. «Ўзбекрибвод» маълумотларига қараганда, ўтган йили балиқ овлаш қоидаларини қўпол равишда бузиш ва балиқларни шафқатсиз қириш ҳоллари деярли уч минг мартадан кўпроқ юз берган. Бу фақат рўйхатга олинган ҳодисалардир.

Умумий тақиқлаш даврида ҳаваскор балиқчилар ва спортчиларга балиқ овлаш фақат битта шарт билан рухсат этилди. Улар барча турдаги балиқ овлаш қармоқларидан фойдаланмасликлари керак. Бир балиқ овловчи иккитадан ортиқ қармоқда ов қилиши рухсат этилмайди. Бунинг учун республикамизда балиқ тухум ташламайдиган ерларда ва балиқлар кўплаб тўпланмайдиган жойларда алоҳида сув ҳавзалари ажратилган. Ана шу сув ҳавзалари рўйхатини ҳаваскор балиқ овловчилар балиқ овлаш жамиятларидан, жойлардаги область ва район давлат балиқчилик назорати идораларидан билиб олишлари мумкин.

Ю. ЗРЯШЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Жорж Буш конгресс раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, унда Никарагуада бўлиб ўтган умумий сайловдан кейин бу мамлакатдаги вазият ҳақида, маъмурият бу сайловнинг натижаларини қандай баҳолаши ва Қўшма Штатлар бундан буён қандай иш тутиши ҳақида ахборот берди.

Суҳбатдан кейин сенатдаги демократик кўпчилик раҳбарининг ўринбосари Алан Крэнстоннинг айтишича, Оқ уйининг бошлиғи шу сайлов якунлари муносабати билан яқин вақт ичида Қўшма Штатларнинг шу мамлакатга нисбатан ўтказаётган сиёсатида катта ўзгаришлар бўлади, деб шама қилган.

Оқ уйда АҚШ президенти Жорж Буш билан Вашингтонга ташриф буюрган Ғарбий Берлин бургомистри Вальтер Момпер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Германияни қайта бирлаштириш масаласи суҳбатнинг асосий мавзуи бўлди.

Гарчи учрашув якунлари хабар қилинмаган бўлса ҳам, Ғарбий Берлин социал-демократларига мансуб бўлган Вальтер Момпер Вашингтонда чегаралар тўғрисидаги масалада канцлер Колнинг позицияси «мутлақо нотўғри» деб айтган. У, жумладан, Ғарбий Германия раҳбари иккала герман давлатини қайта бирлаштириш жараёнини қистовга олиш билан бирга шу пайтга қадар бўлажак ягона Германиянинг шарқий чегаралари бузилмаслиги тўғрисидаги масала хусусида аниқ ва равшан бир гап айтмаганлиги тўғрисида ташвиш билдирди.

Бироқ Германия давлатчилиги муаммоларини ҳал этишнинг турли жиҳатлари борасида Вашингтон билан Бонниң ҳамма қарашлари ҳам бир-бирига ўхшаш эмас. Чунончи, Оқ уйининг расмий вакили сешанба куни бу ерда гапириб, президент Буш билан ГФР канцлери Коль Германияни қайта бирлаштириш муаммоси хусусида, жумладан, Германия давлатлари бирлашганидан кейин шарқий чегаралар хусусида турли позицияларда турганликларини эътироф этди.

ОТТАВА. Бу ерда «очиқ осмон»га бағишланган Оттава конференциясининг иши ниҳоясига етди. Гарчи ўртага қўйилган мақсадга эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим бўлса-да, бу анжуман халқаро турмушда катта воқеа бўлди. Бу мақсад давлатларга бир-бирининг территориясидаги ҳарбий фаолиятни осмондан, самолёт ичидан кузатиб бориш ва шу тариқа мазкур фаолиятнинг йўналиши хусусида вужудга келган шубҳагумонларни тарқатиб юбориш имкониятини бера оладиган шароитни вужудга келтиришдан иборат.

◆

ВАРШАВА. Польша президенти Войцех Ярузельский Варшавада бу ерга расмий ташриф буюрган Исроил ташқи ишлар министри Моше Аренсни қабул қилди. Польша билан Исроил ўртасида дипломатия муносабатлари яна ўрнатилиши муносабати билан томонлар мамнуният изҳор этиб, бу ҳодиса иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда сифат жиҳатдан янги босқич очажагини таъкидлаб ўтдилар.

Аренс Исроил президенти Хаим Герцогдан Ярузельскийга мактуб топширди, бу мактубда мазкур мамлакатга расмий ташриф буюриш таклиф қилинган. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди. Ташриф муддатлари дипломатик йўл билан келишиб олинади.

◆

МАНАГУА. Никарагуа пойтахтида сандиночилар миллий озодлик фронти миллий раҳбариятининг шу ташкилот фаоллари билан биргаликдаги кенгаши бўлиб ўтди. Фронт тарафдорларининг кўп минг кишилик митингида сўзга чиққан Даниэль Ортега кенгашда қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттирди.

Ҳукуматнинг уюшқоқлик билан тинч алмашинуви рўй бериши учун миллий озодлик фронти аксилинқилобчи кучлар дарҳол тарқатиб юборилиши ва қуролсизлантирилишини, контраслар ўғирлаб кетган никарагуаликлар бўшатиб юборилишини талаб қилди.

◆

ИСЛОМОБОД. (ТАСС мухбири). Совет Иттифоқи бизнинг шимолдаги буюк қўшнимиздир, шунинг учун ҳам биз у билан энг самимий ва ўзаро фойдали муносабатларнинг ўрнатилишига интиламиз, деди Покистон ислом республикаси ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Танвир Аҳмадхон. «Мен Покистон—Совет муносабатлари янада мустаҳкамланиши истиқболларидан бағоят умидворман. СССРнинг дўстона ёрдами билан Карочида қурилаётган металлургия заводини ана шундай ўзаро фойдали икки томонлама ҳамкорликнинг ажойиб намунаси, деб аташ мумкин». «Афғон муаммоси Покистон—Совет муносабатлари ривожланишига муайян даражада тўсқинлик қилишни давом эттирмоқда, бироқ бу муаммонинг ҳал этилиши билан мамлакатларимиз олдида янги кенг истиқболлар очилади. Яқин келажакда бунга эришилишига умид қиламиз», — деди Т. Аҳмадхон.

Афғонистондаги совет ҳарбий асирлари озод этилиши масаласига тўхталиб, Т. Аҳмадхон Покистон бу ишда СССРга ёрдам берган ва ёрдам бераверади, деди. Шу билан бирга у совет ҳарбий хизматчилари қуролланган оппозиция қўлига тушганлиги фактини эътиборга олиш кераклигини таъкидлади. Қуролланган оппозиция ҳам асирга тушган мужоҳидлар озод этилишидан манфаатдордир, шунинг учун ҳам муаммонинг икки томонлама ҳал этилишига интилади.

СПОРТ АХБОРОТИ

ШАХМАТ

Линаресдаги йирик халқаро мусобақа мутахассису мухлисларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Чунки ҳар бир партияда ғолиблик учун муросасиз баҳс бормоқда. Саккизинчи тур учрашувлари ҳам бундан холи бўлмади. Бокулик жаҳон чемпиони Каспаров Гулько билан бўлган партиянинг 21-юришида хатога йўл қўйиб, мағлубиятга учради.

Минсклик Гельфанд собиқ жаҳон чемпиони Спасскийни енгди. Бу унинг бешинчи ғалабасидир. Шунингдек Портиш Шортдан, Ильескас эса Юсуповдан устун келди. Салов—Иванчук, Белявский — Любоевич партиялари дуранг бўлди.

Саккиз турдан сўнг 6 тадан очко тўплаган Каспаров ва Гельфанд олдинда боришаяпти. Салов ҳисобида 5,5 очко бор.

СУЗИШ

Москвадаги «Олимпийский» спорт комплексида ўтказилган мамлакат қишки биринчилигида юксак натижалар қайд этилди. 100 метрга эркин усулда сузишда олмаоталик Е. Ермакова зафар қучди. Чебоксарлик Е. Курчина иккинчи, ленинградлик Е. Козлова учинчи ўринни эгалладилар.

200 метрга брассча сузишда ленинградлик Е. Волковага тенг келадиган рақиб топилмади. Кейинги совринли ўринлар М. Тарасова (Москва) ва Ю. Ландикка (Ленинград) тегди.

Тошкентлик Сергей Заболотнов ҳам ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Моҳир спортчимиз 100 метрга чалқанча сузишда марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди.

Днепропетровсклик В. Ярошчук 200 метрга (баттерфляй) сузишда энг яхши натижа кўрсатиб, мамлакат чемпиони бўлди.

БАСКЕТБОЛ

Москванинг МАСК командаси Корач кубоги учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Маълумки, армиячилар Грецияда «Паниониос» клуби билан ўтказилган биринчи чорак финал матчида 85:107 ҳисобида мағлубиятга учрашган эди. Лекин улар такрорий ўйинда ғалаба қозониб (106:53), икки ўйин натижасига кўра ярим финалга чиқдилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Адлерда ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги якунланди. Унда республикамиз шарафини ҳимоя қилган тошкентлик В. Зайцев кумуш медални қўлга киритди. Ш. Капкаевнинг шогирди найза улоқтиришда 81 метр 78 сантиметр натижани қайд этди.

ҚУРАШ

Навоийда касаба уюшмалари республика кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг биринчилиги бўлиб ўтди. Унда ўсмирлар шахсий ҳисобда ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақа якунида тошкентлик Р. Сотиболдиев, В. Агафуров, К. Собиров, Р. Биктянов, Р. Мухамедянов, А. Акбаров, А. Умаров, А. Субботин, В. Оқилов, А. Арёшкин, самарқандлик А. Тошев, наманганлик Ш. Сайфуддинов ва фарғоналик К. Бўрибеков ўз вазнлари бўйича ғолиб чиқдилар.

ХОККЕЙ

Олий лигадаги «Крилья Советов» (Москва) — «Торпедо» (Горький) учрашувида 0:7 ҳисоби қайд этилди.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Ўзбекистон ССР 1990 йилги пул-буюм лотереяси биринчи чиқарилиши бўйича 23-24 февралда Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

1 РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг олти разрядига умумий суммаси 1.684800 сўм бўлган 588 та буюм ва 245412 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқ тиражи лотереянинг бир разрядида ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия номери 006755, билет номери 174 бўлган лотерея билети «Волга ГАЗ-24» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган.

Бу — худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

серия номерлари	билет номерлари	ютуқ номи	
000002	144*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
000022	161*)	250 сўм пул ютуғи	—
000023	058*)	500 сўм пул ютуғи	—
000088	114*)	Электр кофе майдалагич	25—00
000159	151*)	250 сўм пул ютуғи	—
000170	027*)	500 сўм пул ютуғи	—
000243	195*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
000338	064*)	250 сўм пул ютуғи	—
000378	194*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
000379	091*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
000407	091*)	2х3 м.ли гилам	450—00
000598	184*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
000622	048*)	100 сўм пул ютуғи	—
000636	062*)	100 сўм пул ютуғи	—
000642	025*)	25 сўм пул ютуғи	—
000658	158*)	250 сўм пул ютуғи	—
000697	152*)	100 сўм пул ютуғи	—
000752	143*)	Электр кофе майдалагич	25—00
000815	070*)	25 сўм пул ютуғи	—
000928	060*)	«Урал ИМЗ-8103» мотоцикли	1862—00
000940	126*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
000965	056*)	100 сўм пул ютуғи	—
000968	032*)	25 сўм пул ютуғи	—
001002	145*)	50 сўм пул ютуғи	—
001091	107*)	«Рекорд-Ц-280» телевизори	720—00
001096	195*)	300 сўм пул ютуғи	—
001113	033*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
001139	017*)	50 сўм пул ютуғи	—
001239	166*)	1000 сўм пул ютуғи	—
001311	047*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
001334	118*)	50 сўм пул ютуғи	—
001352	120*)	500 сўм пул ютуғи	—
001389	143*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
001397	040*)	1000 сўм пул ютуғи	—
001449	055*)	Электр кофе майдалагич	25—00
001503	105*)	500 сўм пул ютуғи	—
001505	086*)	50 сўм пул ютуғи	—
001511	076*)	«Урал ИМЗ-8103» мотоцикли	1862—00
001541	133*)	250 сўм пул ютуғи	—
001543	007*)	25 сўм пул ютуғи	—
001547	189*)	50 сўм пул ютуғи	—
001639	129*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
001677	095*)	1000 сўм пул ютуғи	—
001689	120*)	250 сўм пул ютуғи	—
001740	197*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
001810	141*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
001821	066*)	25 сўм пул ютуғи	—
001853	065*)	Электр кофе майдалагич	25—00
001858	145*)	Электр кофе майдалагич	25—00
001936	043*)	250 сўм пул ютуғи	—
001952	158*)	300 сўм пул ютуғи	—
001993	173*)	Электр кофе майдалагич	25—00
002066	161*)	50 сўм пул ютуғи	—
002120	025*)	250 сўм пул ютуғи	—
002202	008*)	250 сўм пул ютуғи	—
002240	040*)	25 сўм пул ютуғи	—
002251	070*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
002258	191*)	2х3 м.ли гилам	450—00
002311	031*)	100 сўм пул ютуғи	—
002380	040*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
002384	182*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
002402	083*)	300 сўм пул ютуғи	—
002444	079*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
002457	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
002474	114*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
002509	194*)	100 сўм пул ютуғи	—
002559	1-200	10 сўм пул ютуғи	—
002574	086*)	Электр кофе майдалагич	25—00
002613	131*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
002650	061*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
002736	052*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
002739	196*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
002756	102*)	100 сўм пул ютуғи	—
002774	030*)	25 сўм пул ютуғи	—
002807	060*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
002818	081*)	100 сўм пул ютуғи	—
002862	134*)	250 сўм пул ютуғи	—
003096	056*)	100 сўм пул ютуғи	—
003168	095*)	50 сўм пул ютуғи	—
003219	053*)	50 сўм пул ютуғи	—
003359	180*)	500 сўм пул ютуғи	—
003360	130*)	«Рекорд-Ц-280» телевизори	720—00
003381	022*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
003446	026*)	500 сўм пул ютуғи	—
003527	193*)	50 сўм пул ютуғи	—
003566	102*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
003647	184*)	2х3 м.ли гилам	450—00
003657	188*)	25 сўм пул ютуғи	—
003732	046*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
003734	102*)	25 сўм пул ютуғи	—
003752	025*)	50 сўм пул ютуғи	
003778	043*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
003790	187*)	25 сўм пул ютуғи	—
003816	028*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
003856	180*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
003872	171*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
003959	155*)	Электр кофе майдалагич	25—00
003960	077*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
003962	090*)	100 сўм пул ютуғи	—
004039	178*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
004071	034*)	250 сўм пул ютуғи	—
004147	140*)	Электр кофе майдалагич	25—00
004158	115*)	1000 сўм пул ютуғи	—
004174	081*)	50 сўм пул ютуғи	—
004186	197*)	100 сўм пул ютуғи	—
004208	122*)	50 сўм пул ютуғи	—
004233	016*)	25 сўм пул ютуғи	—
004265	143*)	100 сўм пул ютуғи	—
004277	012*)	2х3 м.ли гилам	450—00
004307	028*)	300 сўм пул ютуғи	—
004315	107*)	50 сўм пул ютуғи	—
004326	028*)	100 сўм пул ютуғи	—
004343	040*)	25 сўм пул ютуғи	—
004354	181*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
004365	002*)	50 сўм пул ютуғи	—
004378	174*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
004432	153*)	Электр кофе майдалагич	25—00
004462	035*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
004518	061*)	250 сўм пул ютуғи	—
004522	089*)	Электр кофе майдалагич	25—00
004559	023*)	«Рекорд Ц-280» телевизори	720—00
004584	029*)	Электр кофе майдалагич	25—00
004587	046*)	2×3 м.ли гилам	450—00
004638	095*)	100 сўм пул ютуғи	—
004648	071*)	250 сўм пул ютуғи	—
004769	163*)	50 сўм пул ютуғи	—
004771	080*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
004774	193*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
004922	036*)	100 сўм пул ютуғи	—
004939	012*)	250 сўм пул ютуғи	—
004958	145*)	250 сўм пул ютуғи	—
004973	009*)	«Урал ИМЗ-8103» мотоцикли	1862—00
005032	158*)	100 сўм пул ютуғи	—
005146	004*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
005196	030*)	«Рекорд Ц-280» телевизори	720—00
005245	043*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
005267	081*)	500 сўм пул ютуғи	—
005333	077*)	25 сўм пул ютуғи	—
005348	169*)	250 сўм пул ютуғи	—
005352	034*)	50 сўм пул ютуғи	—
005374	152*)	50 сўм пул ютуғи	—
005413	076*)	25 сўм пул ютуғи	—
005485	080*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
005494	006*)	25 сўм пул ютуғи	—
005499	084*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
005545	177*)	50 сўм пул ютуғи	—
005586	021*)	250 сўм пул ютуғи	—
005675	047*)	Электр кофе майдалагич	25—00
005699	035*)	Электр кофе майдалагич	25—00
005751	093*)	500 сўм пул ютуғи	—
005761	179*)	«Рекорд-Ц-280» телевизори	720—00
005818	138*)	50 сўм пул ютуғи	—
005847	017*)	2×3 м.ли гилам	450—00
005912	129*)	100 сўм пул ютуғи	—
005922	140*)	300 сўм пул ютуғи	—
005928	141*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
006022	015*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
006030	081*)	«Урал» ИМЗ-8103» мотоцикли	1862—00
006085	027*)	2×3 м.ли гилам	450—00
006110	123*)	25 сўм пул ютуғи	—
006181	066*)	Электр кофе майдалагич	25—00
006212	132*)	100 сўм пул ютуғи	—
006252	068*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
006254	001*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
006259	185*)	300 сўм пул ютуғи	—
006264	117*)	100 сўм пул ютуғи	—
006273	034*)	25 сўм пул ютуғи	—
006283	167*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
006313	013*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
006319	014*)	250 сўм пул ютуғи	—
006391	083*)	«Снежинка» холодильниги	310—00
006527	132*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
006755	174*)	«Волга ГАЗ-24» автомашинаси	16400—00
006766	084*)	25 сўм пул ютуғи	—
006808	189*)	300 сўм пул ютуғи	—
006866	141*)	300 сўм пул ютуғи	—
006870	044*)	300 сўм пул ютуғи	—
006891	059*)	Электр кофе майдалагич	25—00
006899	032*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
006996	181*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
007042	051*)	100 сўм пул ютуғи	—
007053	034*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
007127	061*)	Электр кофе майдалагич	25—00
007139	034*)	Электр кофе майдалагич	25—00
007161	087*)	250 сўм пул ютуғи	—
007162	119*)	2×3 м.ли гилам	450—00
007168	002*)	2×3 м.ли гилам	450—00
007190	173*)	50 сўм пул ютуғи	—
007234	185*)	«Жигули ВАЗ-2108» автомашинаси	8500—00
007288	171*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
007324	064*)	50 сўм пул ютуғи	—
007331	118*)	«Жигули ВАЗ-21063» автомашинаси	9000—00
007335	076*)	500 сўм пул ютуғи	—
007339	108*)	«Киргизия» кир ювиш машинаси	76—00
007386	119*)	2×3 м.ли гилам	450—00
007389	011*)	Электр кофе майдалагич	25—00
007412	113*)	Электр кофе майдалагич	25—00
007485	105*)	25 сўм пул ютуғи	—
007526	150*)	1000 сўм пул ютуғи	—
007532	059*)	25 сўм пул ютуғи	—
007617	129*)	2×3 м.ли гилам	450—00
007619	195*)	Электр кофе майдалагич	25—00
007646	154*)	«Бирюса» холодильниги	385—00
007709	038*)	500 сўм пул ютуғи	—
007733	040*)	250 сўм пул ютуғи	—

***) Шу сериядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.**

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. «Волга ГАЗ-24», «Жигули ВАЗ-21063, 2108» автомашиналари, «Урал ИМЗ-8103» мотоцикллари СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон республика банки нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент базаси томонидан берилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 1100 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати Иттифоқдош республикалар, область ва шаҳарларнинг жамғармалар банкларида ҳам тўланаверади.

Ана шу жамғармалар банкларидан буюм ютуқлари, шунингдек 1100 сўмдан ортиқ миқдордаги пул ютуқларини талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш мумкин. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги жамғармалар банкларида текшириш ва ютуқларни шу банклар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

ЭСЛАТМА: Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар бошқа маркалардаги шунга ўхшаш буюмлар билан алмаштирилади. Агарда буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нархлар бўйича тўланади.

Бундай пайтда нархлар ўртасидаги тафовут қиймати тўланмайди.

Агарда «Жигули» автомашинасининг модификацияси ўзгарган тақдирда ютуқ ўша маркадаги бошқа модификациядаги автомашина билан алмаштирилади ва бу вақтда ютуқ эгаси машина баҳосидаги тафовут қийматини тўламайди.

Агарда лотерея билетининг эгаси ютуққа чиққан автомашина қийматини нақд пул билан олишни хоҳласа, у ҳолда лотерея ўйини шартларига биноан унга ютуқ қиймати тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари

В. В. ЮГАЙ.

Тираж комиссиясининг масъул котиби — Ўзбекистон ССР Республика Жамғармалар банкининг давлат заёмлари, лотереялар ва қимматбаҳо қоғозлар бўлимининг бошлиғи

А. М. ҲАЙДАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЎЗҒОР МУЛКИНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДАГИ ЯНГИЛИК

РЎЗҒОР МУЛКИНИ КЎНГИЛЛИ РАВИШДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДА УМУМИЙ ШАРТНОМА БЎЙИЧА ВА МАХСУС ШАРТНОМА БЎЙИЧА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДАН ИБОРАТ ИККИ ВАРИАНТ КЎЗДА ТУТИЛАДИ. СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ МАҚБУЛ ВАРИАНТНИ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ. БУНДА РЎЗҒОР МУЛКИНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ШАРТНОМА ТУЗИЛГАНИ ҲОЛДА ҚЎШИМЧА ШАРТНОМА ҲАМ ТУЗИЛИШИ МУМКИН.

Хўжаликда мавжуд бўлган барча рўзғор мулки (махсус шартнома бўйича суғурта қилинадиганларидан ташқари), шунингдек, квартираларни пардозлаш ва жиҳозлаш элементлари умумий шартнома бўйича суғурта қилинади.

Қимматбаҳо металлар, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва қўлда майда зебу-зийнат ясашга ярайдиган (рангли) тошлар, коллекциялар, суратлар, ноёб ва антиқий нарсалар, қиймати 1000 сўмдан ортиқ бўлган радио ва телеаппаратуралар, видеоаппаратуралар, компьютерлар, фото ва киноаппаратуралар, чолғу асбоблари (пианино ва роялдан бўлак), электрон аппаратуралар ва электр асбоблар, умумий қиймати 1000 сўмдан ортиқ бўлган кассеталар ва грампластинкалар, транспорт воситаларининг деталлари ва ашёлари, шунингдек шахсий гаражларда сақланаётган бошқа мол-мулклар, суғурта қилдирувчининг ер участкасида сақланаётган уй-жой, дала ҳовли ва хўжалик бинолари қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари, қиймати 5000 сўмдан ортиқ бўлган бошқа уй-рўзғор анжомлари махсус шартнома бўйича суғурта қилинади.

РЎЗҒОР МУЛКИНИ ЯНГИ ҚОИДАЛАРГА АСОСЛАНГАН ШАРТЛАРДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ҚУЙИДАГИ АФЗАЛЛИКЛАРГА ЭГА:

— суғурта ҳодисаларининг рўйхатини кенгайтириш;

— квартира ремонти учун жавобгарликнинг жорий этилиши;

— доимий суғурта қилдирувчиларга тўловлар бобида 20 фоиз енгиллик берилиши;

—буюмларнинг ишлатилганлик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда уларни ремонт қилишга сарф бўладиган харажатларнинг тўланиши;

— суғурта пулини тўлаш тартибининг соддалаштирилиши.

Шунингдек, суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ ҳолда рўзғор мулкининг барча турдаги транспорт воситасида ташиб кўчирилиши (СССР ҳудуди доирасида) вақтига бу мулк суғурта қилдирилган ҳисобланади.

Рўзғор мулкини умумий ёки махсус шартнома бўйича суғурта қилдиришни истасангиз, турар жойингиз ёки ишхонангиздаги Давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилиб ёки суғурта агентини уйга таклиф этиб суғурта шартлари билан батафсил танишишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22, 23, 24, 25 март соат 16.00 да ва 19.30 да

ФАҚАТ 4 КУН

«ДИНАМИК» ГРУППАСИНИНГ БОШҚАРУВИДА

ВЛАДИМИР КУЗЬМИН ЎЗИНИНГ

«ҚАЧОНКИ МЕН БОШҚА ОДАМ БЎЛИБ ҚОЛСАМ»

ЯНГИ ПРОГРАММАСИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-35-87, 44-29-04, 44-18-12.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

* * *

КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ШИРКАТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ҲАВАСКОР ГУЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ

ДИМИТРОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ИССИҚХОНА

ХЎЖАЛИГИДА

ЧИННИГУЛ КЎЧАТЛАРИ СОТИЛАДИ

Гул кўчатлари Таллинн шаҳридан келтирилган оналик кўчатидан тайёрланган.

БУЮРТМАЛАР 10 МАРТДАН 30 АПРЕЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёр кўчатлар 10 МАРТДАН бошлаб сотилади.

Манзилимиз: «Қўйлиқ-Ҳамза» автобусининг «Димитров», «Тўйтепа-Димитров» автобусининг сўнгги бекатлари.

«УЗВОДРЕМСТРОЙЭКСПЛУАТАЦИЯ»

республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1990 йил учун

ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда

КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар «А», «В», «В,С», «Д», «Е», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайди ва қайта ўқитади, шунингдек автомеханиклар, автослесарлар, тракторчилар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, минора, шоти, кўприк, пневматик бошқариладиган кранларнинг машинистлари «КАМаз»ларнинг ҳайдовчилари, газбаллон автомобиллари, электр ва автопогрузчиклар, электрокарларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайди; 3-разряддан 2-разрядга, 2-разряддан 1-разрядга тракторчиларни қайта ўқитади, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, газ-электр пайвандчилар, кранлар бўйича ремонтчи-слесарлар, кранлар бўйича электриклар, автоэлектриклар, аккумуляторчилар, вентиляция системалари ремонти бўйича слесарлар, вентиляция системалари монтажи бўйича слесарлар, «КАМаз»лар ремонти бўйича слесарлар тайёрлаб чиқаради.

Группаларга ишлаб чиқаришдан йўлланма билан келган кишилар пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаган ҳолда ва эркин қабул ҳисобига таълим ҳақини нақд пул билан тўлаган кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Нариманов шаҳри, Лихачев кўчаси, 5-уй (171, 183, 188-автобусларнинг «Поликлиника» бекати). Телефон 92-38-95.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета
Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском
и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 01141. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1146. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12